

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛТЕТИ
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ВА ЮРИТИШ
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ**

Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »
факултет декани _____
доцент. Х.Х.КОМОЛОВ
«___» _____ 2016 йил

« Химояга рухсат этаман »
кафедра мудири _____
доцент. О.Х.Махмудов
«___» _____ 2016 йил

**Фермер хўжалиғни бошқариш ва юритиш таълим йўналишининг
битирувчиси Нурмухамедов Исломжон Муҳаммаджон ўғлининг**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер
хўжалигида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланиш.**

БМИ рахбари: _____ Катта ўқитувчи: Т.Ғ.Ёқубов
Бажарувчи: _____ И.Нурмухаммедов

Андижон - 2016 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудирини
Шерматов О.А. _____
« » 2015 й.

**Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш
таълим йўналишининг битирувчиси
Нурмухаммедов Исломжонга
битирув малакавий ишини бажариш учун**

ТОПШИРИҚ

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси** *институт ректорининг « 18 » сентябр 2015 йилдаги 240 Ст(А)- сонли буйруғи билан тасдиқланган.*
- 2. БМИнинг мавзуси:** **Шахрихон** туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигида тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланиш.
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти:** *« 16 » май 2016 йил.*
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** *БМИ кириш, асосий қисмида 3-та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.*
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** *Ўзбекистон Республикасининг қишлоқда иқтисодий ислохотларни ўтказишига оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мавзуга оид адабиётлар, ҳамда Шахрихон туманидаги Обод Диёр Келажаги фермер хўжалигида тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари, 2013-2015 йиллар учун бизнес режалари, йиллик хисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.*
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** *Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишига ёрдам берадиган 12 та*

жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3-4 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	БМИни раҳбари	Бажарилиш муддати	Имзо
<i>Кириш.</i>	<i>катта ўқитувчи Т.Ёқубов</i>	<i>10.12.2015</i>	
1-Боб Аграр тармоқни рақобатбардошлигини ошириш шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланишни назарий асослари.			
1.1 Қишлоқ хўжалик корхоналарида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланишни хусусиятлари.	<i>катта ўқитувчи Т.Ёқубов</i>	<i>04.02.2016</i>	
1.2.Қишлоқ хўжалик корхоналарида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланишни таҳлил кўрсаткичлари.	<i>катта ўқитувчи Т.Ёқубов</i>	<i>28.03.2016</i>	
2-Боб Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалиги фаолиятида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланиш таҳлили.			
2.1 Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалигининг умумий таснифи.	<i>катта ўқитувчи Т.Ёқубов</i>	<i>21.04.2016</i>	
2.2 Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги”фермер хўжалигида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланиш таҳлили	<i>катта ўқитувчи Т.Ёқубов</i>	<i>28.04.2016</i>	
3-Боб Аграр тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш шароитида Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалигида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланишни такомиллаштириш йўллари.			
3.1 Шахрихон туманидаги“Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалигида ғўзани интенсив ва ресурс тежамкор технологиялар асосида парваришлаш	<i>Катта ўқитувчи И.Усмонов</i>	<i>2.05.2016</i>	
3.2. Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги”фермер хўжалигида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланиш омиллари.	<i>катта ўқитувчи Т.Ёқубов</i>	<i>10.05.2016</i>	
<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	<i>катта ўқитувчи Т.Ёқубов</i>	<i>18.05.2016</i>	
<i>Фойдаланилган адабиётлар</i>	<i>катта ўқитувчи Т.Ёқубов</i>	<i>20.05.2016</i>	

Топширик берилган вақти:

БМИ раҳбари:

Битирувчи:

« 23 » ноябр 2015 йил.

катта ўқитувчи Т.Ғ.Ёқубов

И.Нурмухаммедов.

М у н ɔ а р и ж а

<i>№</i>	<i>Мазмуни</i>	<i>Бетлар</i>
	<i>Кириш</i>	3-9
1	Аграр тармоқни рақобатбардошлигини ошириш шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланишни назарий асослари	10-31
1.1	Қишлоқ хўжалик корхоналарида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланишни хусусиятлари.	10-21
1.2	Қишлоқ хўжалик корхоналарида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланишни таҳлил кўрсаткичлари	22-31
2	Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалиги фаолиятида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланиш таҳлили.	32-55
2.1	Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалигининг умумий таснифи.	32-41
2.2	Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалигида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланиш таҳлили	42-55
3	Аграр тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш шароитида Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалигида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланишни такомиллаштириш йўллари.	56-71
3.1	Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалигида ғўзани интенсив ва ресурстежамкор технологиялар асосида парваришlash	56-62
3.2	Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалигида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланиш омиллари.	63-71
	<i>Хулоса ва тақлифлар</i>	72-73
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	74-77

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик— жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт.”

И.Каримов.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохатлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижалари намоён бўлиб, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш каби соҳаларда аҳамиятли қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари И.Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохатлар мақсади ва вазифаларини амалга ошириш йўллариининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон беради.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳати миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашишининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади. Бу жараёнларнинг ижобий томонлари билан бир қаторда турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишининг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг,

экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби салбий ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатда барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади.

Шунингдек жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлмоқда.

Шунга кўра, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсири ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларининг ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимизни тақозо этади.

Жаҳон инқирози шароитида Республикамиз аҳолисининг истеъмол буюмларига ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада яхшироқ қондириш энг аввало агросаноат тармоғига ва унинг асоси бўлган қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражасига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида вужудга келаётган янги тадбиркорлик шакллари муҳим аҳамият касб этиб, бу хўжалик юритишнинг шахсий манфаатдорлик, ташаббускорлик ва мулкый жавобгарлик тамойилларига таяниб, қишлоқ хўжалигида мулк шакллариининг тенг ҳуқуқийлик ва соғлом рақобат асосида ривожлантириб боришига асосланади.

Тадбиркорлик субъекти сифатида фермер хўжаликлари етиштирган маҳсулотига эгалик қилишига, ўзига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни мустақил тасарруф этиши, ерга бўлган эгалик хиссига кўра бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келади.

Республикамиз Президенти ва ҳукуматининг бир қатор фармонлари, қарорлари ва қонунларида истикболда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб

чиқарувчи субъект сифатида фаолият юритаётган фермер хўжаликларини янада ривожлантириш бўйича қонуний асослар яратилмоқда.

Ислоҳатларнинг илк босқичида мамлакат қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш ва режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки асослари яратилди. Бунда устивор йўналиш қилиб, шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш белгиланди.

Ислоҳатларнинг иккинчи босқичида “Ер кодекси”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”, “Эркин тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисидаги” ва бошқа қонунлар ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, меъёрий ҳужжатлар тасдиқланиб, иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришга замин яратилди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг халқаро андозалари ва халқимиз менталитетига мос келадиган-фермер ва дехқон хўжаликларидан иборат модели танланди.

Ислоҳатларнинг учинчи босқичида 2000 йилдан бошланиб, бу босқич:

- Қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчилар ва уларга сервис хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устиворлиги:

- Товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлиги янада кенгайтириш ва давлат буюртмаси бўйича етиштирилаётган маҳсулотларга баҳо белгилашда дунё бозор нархларига мос келувчи тизимни шакллантириш. Биринчи навбатда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган хўжаликларни фермер хўжаликларига айлантириш асосида қайта ташкил этиш механизми жорий этилди.

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи замонавий инфратузилма тизимининг барпо этилиши, бунда техник-сервис хизмат кўрсатувчи соҳаларни ривожланиши кабилар билан характерланади.

Хизмат кўрсатиш соҳалари объектларини бозор тамойиллари бўйича шартнома асосида ташкил этиш, АЖ кўринишидаги МТПлар, ММТП,

Кимётаъминот, нефт маҳсулотлари етказиб бериш бўйича, ўсимликларни химоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар фаолияти бошланди.

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислохатларнинг янги босқичда мулкчиликнинг шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари манфаатлари устиворлигини таъминлаган ҳолда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини иқтисодий ривожлантириш, турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритиш субъектлари билан ўзаро иқтисодий манфаатдорликка асосланган шартномавий муносабатлар асосида фермер хўжаликларини ривожлантириш муҳим йўналиш этиб белгиланади.

Тадбиркорлик субъекти сифатида фермер ва деҳқон хўжаликлари ва бошқа тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида янада кенг эркинликлар берилди, ер-сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва шартнома шартларини бажаришда томонларнинг жавобгарлиги ва маъсулияти оширилди. Умуман иқтисодий ислохатларни янада жадаллаштириш, мавжуд табиий, иқтисодий, ташкилий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, пировард натижада аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” фармонида асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонларини мақбуллаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилди, дастлаб зарар кўриб ишлайдиган, рентабеллиги паст ва истиқболсиз хўжаликлари тугатилиши негизида ташкил этилган хусусий фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда етакчи бўғинга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаруви асосий кучга айланди. Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги

ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди.

Президентимиз И.Каримовнинг 2015 йил якунлари ва 2016 йилда белгиланган устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузасида таъкидлаганидек:

«мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишларимиз халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг ижобий ифодасини топмоқда. Ўтган йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки «Бизнес юритиш» рейтингини эълон қилди. Ана шу рейтингда Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, «янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўридан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.

Жаҳон банкининг маърузасида Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани қайд этилган.

Ана шу йўналишдаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000-йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада

жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи – шунга эътибор беринг – мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи, десам, айтиш ҳақиқатни айтган бўламан имконини берди”¹.

Тадқиқотнинг мақсади -Ўзбекистон Республикасида иқтисодий эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарида тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланиш ва уни такомиллаштириш ҳамда уларни амалиётда жорий этиш ҳамда ривожлантириш истиқболлари юзасидан ўрганиш ва таклифлар бериш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик корхоналарида тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланиш ва уни бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ субъектлар битирув малакавий ишида илмий тадқиқотнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Қишлоқ хўжалик корхоналарида тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланиш ва уни такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнлар мазкур тадқиқотнинг предмети бўлади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув ишида тадбиркорлик субъекти сифатида Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалигида тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланиш мавзусида тайёрланган бўлиб, тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланишни ташкил этишни назарий ва илмий асосларини ўрганиш ҳамда илмий изланишларим бўйича фикр-мулоҳазалар, хулоса ва таклифларни беришдан иборат. Шу мақсадда битирув ишини тайёрлаш давомида қуйидаги вазифалар бажарилади:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий –иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.”Халқ сўзи”17.01.2016

-аграр тармоқни рақобатбардошлигини ошириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланишни зарурлиги ҳамда улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини назарий асослаш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари асослаш;

-Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорлик омилларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифлар тайёрлаш.

Битирув ишидаги фикр-мулоҳазалардан нафақат Обод Диёр Келажаги фермер хўжалигида, балки шу ҳудудда жойлашган бошқа хўжаликларда ҳам тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

БМИнинг таркиби. БМИ кириш, асосий қисмида 3-та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув иши электрон вариантда тайёрланиб уни ҳажми ____ бетни ташкил этади. Унда __ та жадваллардан фойдаланилди.

**1-Боб. Аграр тармоқни рақобатбардошлигини ошириш шароитида
қишлоқ хўжалик корхоналарида тадбиркорлик омилларидан самарали
фойдаланишни назарий асослари**

1.1 Қишлоқ хўжалик корхоналарида тадбиркорлик омиллари

Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик субъекти сифатида фермер хўжаликларининг ташкил топиши аграр ислохотларнинг асосий мазмунини ташкил этиб, босқичма-босқич изчиллик асосида олиб борилди. Тадбиркорлик бозор иқтисодиётига хос иқтисодий фаолият бўлиб, у муайян ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни ташкил этиш буйича мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий фаолиятидир. “Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунида тадбиркорликка қуйидагича таъриф берилган:

Тадбиркорлик-мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулккий жавобгарлик асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир”.

Тадбиркорликнинг субъекти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонунга мувофиқ балоғат ёшига етган ҳар бир фуқаро ўз мулки асосида ёки мулк эгасининг ваколати асосида ўз ихтиёр этган қонунга зид бўлмаган фаолият тури билан шуғулланиши мумкин.

Юқоридаги таърифда тадбиркорликнинг яна бир томони мазмунини ифода этилган бўлиб, у мазмунан бой, хилма хил кўринишига эга. Тадбиркорлик фаолиятини танлаш, уни ташкил этиш ва ривожлантириш моҳият жиҳатидан давлат, жамият аҳамиятига молик иш бўлмасдан, балки эркин танланадиган фаолиятдир.

Тадбиркорлик фаолиятининг уч тури ва унга мос равишда тадбиркорларнинг 3 гуруҳини алоҳида кўрсатиш мумкин:

янги товар ёки хизмат лойиҳасини ташкил этиш. Тадбиркорликнинг бу тури билан интеллектуал мулк эгалари инновация тадбиркорлари шуғулланади.

товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар.

товарни сотиш, қайта сотиш ва тижорат ишларини ташкил этиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар.

Учинчидан, мақсад жихатидан тадбиркорликнинг икки турини:

- а) фойда олишни, иқтисодий самарага эришишни мақсад қилган;
- б) ижтимоий самарага (масалан, табиат муҳофазаси, ёш авлод тарбияси, соғлиқни сақлаш) эришишни мақсад қилган турларини ажратиш мумкин.

Тадбиркорларга хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- Шуғулланаётган соҳа бўйича илм, билимга эгаллиги.
- Таваккалчиликка асосланган қарорлар қабул қилиш бўйича ташаббускорлик қобилияти.
- Иқтисодий жараёнларни чуқур фикрлай олиш.
- Қонунларга итоаткорлиги.
- Инновациячиликнинг фаоллиги.
- Мақсад сари интилувчанлик.
- Ташкилотчилик.
- Тежамкор бўлиши.
- Ўз сўзининг устидан чиқиш.
- Рухий поклик ва ҳалоллиги.
- Ўз жамоаси учун курашувчанлик.
- Тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги шарт-шароитлар талаб этилади:

Мулк муносабатларининг уйғунлашуви. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк муносабатлар уч жихат билан белгиланади:

-эгаллик қилиш, яъни мулк эгаси сифатида мулкка тўла ҳуқумронлик қилиш: сотиш, ижарага бериш, ҳадя этиш;

-фойдаланиб туриш, яъни мулк эгасининг назорати асосида маълум шарт ва тулов эвазига мулкдан вақтинча фойдаланиш;

-оператив тезкор бошқаришни, янги мулк эгасининг назорати остида ресурсларни тақсимлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича мулкни бошқариш ҳуқуқини жорий этиш.

Тадбиркорларга ўз қобилиятини тўла намоён этиш учун қуйидаги иқтисодий эркинликларнинг берилиши.

маҳсулот ассортименти турларини ва ишлаб чиқариш усулини танлаш эркинлиги;

ҳамкорларни мустақил танлаш;

маблағларни қонунга зид бўлмаган соҳаларга мустақил сарфлаш эркинлиги ва ҳ.к.;

Бозорнинг очиқлиги, яъни товарлар, сармоялар, маълумотлар, иш кучи, хом-ашё ҳаракати учун сунъий ғояларнинг йўқлиги. Бозор инфратузилмасининг мавжудлиги.

Бунга қуйидагилар киради:

- тижорат банклари;
- товар, фонд, меҳнат, валюта биржалари;
- тижорат таваккалчилиги ва мулк суғуртаси;
- маълумот ва реклама манбалари, оммавий ахборот воситалари, алоқа воситалари;
- эксперт бюрolari, сертификат марказлари, божхоналар, солиқ назорати ташкилотлари, арбитражлар ва ҳ.к.

Тадбиркорлик учун ҳуқуқий кафолатнинг мавжудлиги, яъни тадбиркорликни ҳимояловчи қонунчиликнинг мавжудлиги.

Янги корхоналарга кадрлар тайёрлаш, кредит олиш, солиқ тўлаш, табиий бойликлардан фойдаланиш бўйича давлат томонидан берилган имтиёзлар.

Ҳозирда тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига хорижий сармояларни олиб кириш учун микрофирмалар, кичик корхоналар ва ўрта корхоналар ташкил этилиб,

мақбул шароитлар яратилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда хорижий мамлакатлар тажрибасига суянган холда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор берилмоқда. Бунга дастлаб 1995 йилнинг 21 декабрида Олий мажлис томонидан қабул қилинган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини мисол қилиб кўрсатса бўлади. Эркин рақобатга тобора кенг имкон яратиш, турли мулкчилик шаклларидаги бозор субъектлари ўртасида буладиган иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш борасида ушбу қонун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги, корхоналар тўғрисидаги, хусусийлаштириш ва давлат тасаруфидан чиқариш тўғрисидаги ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатларда кўп укладлилиқ асослари белгиланиб, улар мулкчиликнинг барча шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини қарор топтириш, мулкдорларнинг ҳуқуқларини қатъий ҳимояланиши, хусусий мулкни янада ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилгандир.

Товар-пул муносабатлари ривожланаётган ва бошқариладиган бозор шароитида мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналарни барпо этиш, улар фаолиятининг, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари мазкур меъёрий ҳужжатларда кенг ёритиб берилган.

«Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонунида белгилаб қўйилган мулк шаклларига мувофиқ қуйидаги турдаги корхоналарга бўлинади:

-Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек ажнабий фуқароларнинг индивидуал (хусусий ва шахсий) мулкига асосланган корхоналар;

-жамоа (ширкат) мулкига асосланган жамоа, оила, маҳалла корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари; кооперативларга қарашли

корхоналар, акцияли жамиятларга, масъулиятли чекланган жамиятларга, ўзга хўжалик жамиятлари ёки ширкатларига карашли корхоналар; жамоат ташкилотларининг корхоналари, диний ташкилотларининг корхоналари ва жамоа мулкчилигининг бошқа шаклларига асосланган корхоналар;

-давлат мулкига асосланган республика давлат корхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат корхонаси, вилоятлараро, вилоят, туманлараро, туман, шаҳар давлат корхонаси ва корхоналарнинг бошқа турлари;

-тўла ёки улуш қўшиб иштирок этишга асосланган (қўшма корхоналар) республика мулки, Қорақалпоғистон Республикаси, ажнабий ҳуқуқий шахслар, фирмалар ва давлатлар мулки бўлган корхоналар;

-мулкчиликнинг аралаш шаклларига асосланган корхоналар.

Мулкчилик шаклларида қатъий назар, корхона ишловчилар сонига қараб кичик корхоналар жумласига киритилган, бундай корхоналарни барпо этиш ва улар фаолиятининг ўзига хос жихатлари, мақоми, уларни рўйхатга олиш шартлари, шунингдек корхоналарни бу турга киритиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тартибга солинади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек рағбатлантириш йўллари «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги (1991 йил 15 февраль) ва «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги (1995 йил 21 декабрь) қонунларида ўз аксини топди.

Мазкур Қонунлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигига қафолат беради, уларнинг ҳуқуқ ва маъсулиятини аниқлайди, тадбиркорларнинг бошқа корхоналар ва ташкилотлар, давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади.

Бундан ташқари, фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун чоралар билан ишга солиш, уларнинг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини жадаллаштиришга қаратилгандир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари эркин танлаш, бу шаклларнинг тенгҳуқуқлилиги асосида амал қилиши, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашув таъминланадиган шароитларнинг яратилишига қўмаклашади.

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислохотларнинг етакчи бўғинидир. Хусусийлаштириш натижасида демократик жамиятнинг ижтимоий заминини ташкил қилувчи хусусий мулкчилик катлами шаклланиб борди. Дастлаб фермер хўжаликни мустақил хўжалик юритувчи тадбиркорлик субъекти сифатида фаол шаклланиш жараёни 1991 йилдан бошланди. Қишлоқ хўжаликда бозор муносабатларини жорий этилишини жадаллаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келтириш, хусусий мулк ва шахс тоифаларнинг устивор ривожлантиришни таъминлаш мақсадида дастлаб 1991 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 295-сонли Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустахкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармони қабул қилинди.

Бу фармоннинг қабул қилиниши Республикамизда фермер хўжаликларини бозор шароитида шаклланиб келаётган хўжалик юритишнинг янги тадбиркорлик шакли сифатида ҳисобга олиш ва ривожлантириш учун дастлабки ҳуқуқий асос бўлиб, бунда фермер хўжаликларини шакллантириш мақсадида бошланғич ер фондини шакллантириш, уларни моддий-техника ресурслари ва кредитлар билан таъминлаш, ҳамда фермерлар фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш масалалари белгилаб берилган.

Аграр соҳада мулкчиликнинг турли шакллари асосланган тадбиркорлик субъекларини ривожлантириш, ишлаб чиқарувчиларга

ташкилий шароитларни ва бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий манфаатдорликка, тадбиркорлик фойдасига ва ўз фаолиятининг натижалари учун моддий жавобгарликка таяниш имкониятларини беради.

Ислохатларни дастлабки амалга ошириш жараёнида ширкат хўжаликларининг фаолияти танқидий таҳлил этилиб, фермер хўжаликларига айлантириш механизми жорий этилди. Бу жараёнларни амалга оширилишида «Ер кодекс», «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ва ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бундай ҳуқуқий асосларнинг яратилиши иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришга замин яратди. Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига мос келадиган фермер ва деҳқон хўжаликлари устиворлиги белгиланди.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг фаол кириб бориши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши билан фермер хўжалигининг янги ижтимоий-иқтисодий уклад сифатида моҳиятини аниқлаштириш, уларнинг ташкилий ташкилий иқтисодий асосларини теранлаштириш ҳамда ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш зарурияти юзага келди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши билан фермер хўжалиги мақоми, унинг ижтимоий иқтисодий моҳияти ва ташкилий иқтисодий асослари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти сифатидаги томонлари белгилаб берилди, ҳамда ушбу қонунни 2004 йил 26 августдаги янги таҳрири фермерлик фаолиятининг келажакдаги истиқболини белгилайди.

Тадбиркорлик субъекти сифатида фермер хўжалиги уни тузаётган аъзолар хоҳишига кўра ихтиёрий ташкил этилиб, ўз ишлаб чиқаришни белгиланган қонунчилик доирасида юқори фойда олишни кўзлаб ташкил этади ва ишлаб чиқаришнинг қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай тури билан шуғулланиши мумкин.

Фермер хўжалигининг иқтисодий негизини ишлаб чиқариш воситаларига ва ўз меҳнати натижаларига эгалик ташкил этади ва тадбиркорлик эркинлиги, оила ҳамда шахснинг ўз моддий фаровонлиги йўлида меҳнат қилишга таянади, Мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида у мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги хўжаликлар билан тенг ҳуқуқларга эга ишлаб чиқариш субъекти ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъекти сифатида фермер хўжалиги қишлоқ хўжаликда хўжалик юритишнинг шаклларида бири сифатида ўзига хос бўлган ижтимоий-психологик, ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларга эга бўлиб, фермер манфаати ижро низомидан, ички истеъмол ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ва бошқа қўп қиррали фаолияти орқали ўзи ва оиласининг моддий фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

Фермер хўжалигининг вужудга келиши ва шаклланишида унинг ташкилий-иқтисодий асослари муҳим ҳисобланиб, амалдаги қонунчиликка асосан улар қуйидагиларни ўз ичига олади.

-хўжалик аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланганлиги.

-ўзига узоқ муддатга ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланилган ҳолда қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқариш билан шуғуланиши.

-юримдик шахс мақомига эгалиги, банк кассасида ҳисоб-китоб ва ҳисоб рақамлари мавжудлиги.

-тегишли давлат органларидан рўйхатдан ўтганлиги.

-бошқа корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар билан ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатларга киришувчи мустақил хўжалик юритувчи тадбиркорлик субъекти ҳисобланади.

Фермер хўжалиги – танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи билан шуғуланувчи юримдик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалиги мақсади – қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотларини етиштириш йўли билан даромад олиш ва ўзининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришдир.

Фермер хўжалигининг вазифалари – ажратилган ер ва сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишини таъминлаш, тупрок унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш мустақил равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек: хизматлар кўрсатиш, ветеринария қоидаларига риоя қилган ҳолда чорва молларининг маҳсулдорлигидан иборатдир.

Фермер хўжалигининг фаолиятига–қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш Шунингдек: бозорларда ўз савдо шаҳобчалари орқали маҳсулотларини сотиш. Тижорат фаолияти ва маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш. Юридик ва ижтимоий шахсларгапули хизматлар кўрсатиш, ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш, фаолиятнинг қонун ҳужжатларига тақиқланмаган бошқа турларни амалга ошириш киради.

Фермер хўжалиги юридик шахс сифатида, асосан хусусий корхона шаклида кейинчалик улар турли шаклда кооператцияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо қилинади. Ер майдонлари фермерларга танлов асосида 50 (эллик) йилгача узоқ ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланиш учун берилади. Етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда моддий техника ресурслари ва хизматларини олиш учун шартномаларни фақат фермер хўжаликларига ўзлари тайёрлаб, қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотларга тўғридан-тўғри тузадилар. Ишлаб чиқариш маҳсулотларини истеъмолчиларга шартнома асосида етказиб берадилар.

Шунинг учун Республикамизда фермер хўжаликларига тадбиркорлик фаолиятларини юритиш учун кенг иқтисодий –ҳуқуқий асослар яратади. Мустақиллик йилларида амалга оширилган туб ўзгаришлар ва ислохатлар жорий ва келгуси йилларда, айти жажон молиявий-иқтисодий инқирози

шароитида Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини ҳамда унинг оқибатларини тугатишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли муҳим ҳисобланади. Тадбиркорлик бозор иқтисодиётига хос иқтисодий фаолият бўлиб, у муайян ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни ташкил этиш бўйича мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий фаолиятидир.

«Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунида тадбиркорликка қуйидагича таъриф берилган: «Тадбиркорлик-мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлик асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир».

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонунга мувофиқ балоғат ёшига етган ҳар бир фуқаро ўз мулки асосида ёки мулк эгасининг ваколати асосида ўз ихтиёр этган қонунга зид бўлмаган фаолият тури билан шуғулланиши мумкин.

1-жадвал.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги ҳиссаси ва солиққа тортилиши²

Йиллар	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши (%)	Ягона солиқ Ставкаси (%)
2007	45,5	10,0
2008	48,2	8,0
2009	50,0	7,0
2010	52,5	7,0
2011	54,0	6,0
2012	54,5	5,0
2013	55,8	5,0
2014	56,0	5,0
2015	56,7	5,0

² Ўзбекистон республикаси статистикаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўзбекистон Республикаси статистикасида келтирилган жадвал маълумотларида мамлакатимиз бўйича 2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши 45,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015йилга келиб бу кўрсаткич 56,7 фоизни ташкил этган бўлса, ягона солиқ ставкалари эса 10,0 фоиздан 5,0 фоизга камайди.

Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир. Мустақиллик йилларида амалга оширилган туб ўзгаришлар ва ислохатлар жорий ва келгуси йилларда, айтилишича жаҳон молиявий-иқтисод инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири хамда унинг оқибатларини олдини олишда, фермер хўжаликлари тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини оширишда замин яратмоқда.

Тадбиркорлик бозор иқтисодиётига хос иқтисодий фаолиятдир. Бошқача айтганда, у муайян ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни ташкил этиш бўйича мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий фаолиятидир.

Тадбиркорларга хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

Шуғулланаётган соҳа бўйича илм, билимга эгалиги.

Таваккалчиликка асосланган қарорлар қабул қилиш бўйича ташаббускорлик қобилияти.

Иқтисодий жараёнларни чуқур фикрлай олиш.

Қонунларга итоаткорлиги.

Инновациячиликнинг фаоллиги.

Мақсад сари интилувчанлик.

Ташкилотчилик.

Тежамкор булиши.

Ўз сўзининг устидан чиқиш.

Рухий поклик ва ҳалоллиги.

Ўз жамоаси учун курашувчанлик.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун куйидаги шарт-шароитлар талаб этилади:

Мулк муносабатларининг уйғунлашуви. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкый муносабатлар уч жихат билан белгиланади:

эғалик килиш, яъни мулк эгаси сифатида мулкка тула ҳукумронлик килиш: сотиш, ижарага бериш, ҳадя этиш;

фойдаланиб туриш, яъни мулк эгасининг назорати асосида маълум шарт ва тулов эвазига мулкдан вақтинча фойдаланиш;

оператив тезкор бошқаришни, янги мулк эгасининг назорати остида ресурсларни таксимлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича мулкни бошқариш ҳукукини жорий этиш.

Тадбиркорларга уз қобилиятини тула намоён этиш учун куйидаги иқтисодий эркинликларнинг берилиши.

махсулот ассортименти турларини ва ишлаб чиқариш усулини танлаш эркинлиги;

ҳамкорликларнинг мустақил танлаш;

маблағларни қонунга зид бўлмаган соҳаларга мустақил сарфлаш эркинлиги ва ҳ.к.;

Бозорнинг очиклиги, яъни товарлар, сармоялар, маълумотлар, иш кучи, ҳам ашё ҳаракати учун сунъий гоёларнинг йуклиги.

Бозор инфратузилмасининг мавжудлиги.

Бунга қуйидагилар қиради:

тижорат банклари;

товар, фонд, меҳнат, валюта биржалари;

тижорат таваккалчилиги ва мулк сугуртаси;

маълумот ва реклама манбалари, оммавий ахборот воситалари, алоқа воситалари;

эксперт бюрolari, сертификат марказлари, божхоналар, солиқ назорати ташкилотлари, арбитражлар ва ҳ.к.

1.2 Қишлоқ хўжалик корхоналарида тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланишни таҳлил кўрсаткичлари

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётда эришган ютуқларининг асоси бозор иқтисодиётида мулк шакллариининг такомиллашуви, иқтисодиётдаги кескин тузилмавий ўзгаришлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотлари билан баҳоланмоқда. Жаҳон инқирози шароитида Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш орқали иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишларини кучайтириш, ишлаб чиқаришни истеъмолчилар талаблари асосида ташкил этиш ҳамда фуқаролар эркинлигига кенг йўл очиб бериш, уларнинг мавжуд имкониятларидан тўла фойдаланиши юқори унум, ташаббускорлик ва ташкилотчилик асосида тадбиркорлик фаолияти олиб боришни таъминлашдир.

Тадбиркор ўзининг маълум бир миқдордаги молиявий маблағларини таваккал қилиб, бозорга янги ғоя, маҳсулот, хизмат ва ишлар билан кириб боровчи ишбилармон шахсдир.

Тадбиркорлик субъекти эса-маълум бир фаолиятини: ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соғаларидаги тадбиркорлик, савдо-сотиқ тадбиркорлиги, молия соҳасидаги тадбиркорлик тушунилади.

Тадбиркорликнинг мустақиллиги ва эркинлиги бозор механизмни таъминлаган ҳолда, аниқ бир қарор қабул қилиш имконини беришини англатади. Тадбиркорликнинг мустақиллиги билан иқтисодий манфаатдорлиги узвий боғлиқ бўлиб, унинг муҳим белгилари қуйидагилар:

- мулкый муносабатларнинг иштирокчиси бўлиш;
- Иқтисодий эркинлик;
- Фойда олишга интилиш;
- Рақобат курашида қатнашиш;
- Тижорат сирига эга бўлиш;
- Имиджга эга бўлиш;
- Иқтисодий хатти-ҳаракатлар учун маъсулиятни ўз зиммасига олиш;

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлиси сессиясида қабул қилинган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида»ги Тадбиркорлик тўғрисидаги қонунда тадбиркорликнинг иқтисодий-ҳуқуқий мустақиллиги ҳамда ушбу мустақилликни таъминлаш учун зарур бўлган кафолатлар тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва маъсуляти аниқ белгиланган ҳамда тадбиркорлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг бошқа корхона ва ташкилотлар, давлат бошқарув идоралари билан муносабатларини тартибга солишга оид қоидалар ҳам ёритиб берилган.

Бу қонуний ҳужжатлар мулкчилик ва хўжалик юритишшакллари эркин танлашга, бу шаклларни эркин танлашга, бу шаклларнинг тенг ҳуқуқлик асосида амал қилишига, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатбардошликни таъминлайдиган шароитларни яратилишига қўмаклашади.

Шунингдек Республика мустақиллик йилларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», мулк тўғрисидаги Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги, корхоналар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги чет эл инвестициялари ва чет эл инвестициялари фаолиятини кафолатлаш тўғрисидаги фермер хўжаликлари тўғрисидаги деҳқон хўжалиги тўғрисида қонуний ҳужжатлари билан тадбиркорлик фаолияти тартибга солинади.

Ўзбекистонда даслаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш мақсадида 1995 йил 28 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кичик ва хусусий корхоналарининг ривожлантиришни қўллаб қувватлаш Давлат дастури қабул қилинган бўлиб, ушбу дастур иқтисодиётни эркинлаштириш тадбирлари қўллашни кўзда тутади, мамлакатда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий мақсадларини белгилаб беради.

Дастурнинг бош мақсади:

-Республика аҳолисининг барча табақаларини бозор шароитига кўниктириш, боқимандачилик, истеъмолчилик психологиясини бартараф эти

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб кувватлаш Давлат дастурини мувоффақиятли амалга ошишини таъминлаш мақсадида «Бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида, макрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш базасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги бир қатор Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари қабул қилинди.

Кичик ишлаб чиқаришда хусусий бизнес бошчилик қилиши, шу билан бирга хусусий ишни ташкил қилиш ва уни тараққиёт топиши анча мураккаб жараён ҳисобланади. Шунга қарамасдан фақат кейинги йилларда дунё бўйича миллионлаб янги корхоналар бунёд этилмоқда. Улар ҳар қандай шароитда ҳам бунёд этитлаверади. Ҳар қандай янги тадбиркорлик субъектини фаолияти инсоннинг ўз ҳаёт тарзини кескин ўзгартириши ва ишбилармон бўлишга иштиёқ сабаб бўлади. С. Гуломовнинг «Тадбиркорлик ва кичик бизнес» (Т-2002 й) китобида тадбиркорлик тараққиётини таъминловчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат деб кўрсатади.

1. Халқ хўжалиги тармоқларининг бозор муносабатларига ўтиши ва истеъмол бозорининг яратилиши, бу манфаат талаб доирасини кенгайтиради ҳамда фақат оммавий талабдаги товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжни яратиб қолмай балки индивидуал талаб бўлган нарсаларга эҳтиёжни ҳам туғдиради. Бундай талаб ва эҳтитёжларни тез ва сифатли қилиб фақат кичик тадбиркорлик субъеклари қондира олади.

2. Тадбиркорларнинг юзаки, ҳуқуқи ва иқтисодий манфаатларининг ҳимоялнишига ҳуқуқий ва давлат таркибидаги идоралар кафолатининг мавжудлиги.

2. Тадбиркорликнинг давлат томонидан солиқ, молиявий кредит ва бошқа жараёнлардаги сиёсати орқали муносиб қўллаб қувватлаши.

3. Давлат ва (маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш) корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва кичик фирмаларни бунёд этиш:

4. Камдаромад, паст рентабеллик ва зарар кўриб ишловчи корхоналарнинг банкротликка учрашишининг аниқлиги ва улар асосида хусусий кичик корхоналар ташкил этиш:

5. Давлатнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор ҳолати:

6. Жамиятнинг тадбиркорлик тўғрисидаги ижобий фикри:

7. Ишбилармонликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини тўғри танлаш:

8. Бозор иқтисодиёти инфраструктурасини яъни турли инавацион марказлар, банклар, биржалар, суғурта компаниялар, реклама агентликлари кабиларни тезлик тараққий топиши:

Қишлоқ хўжалиги амалиётдаги қуйидаги тадбиркорликни ташкилий-ҳуқуқий шакллари кенг тарқалган:

- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон хўжаликлари
- Давлат мулкига асосланган фирмалар
- Қишлоқ хўжалиги тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилма соҳа субъектлари бўлиб, буларга агрокимё хизматлари, селекция хизматлари, уруғчилик, МТП ва бошқа шу кабилар киради

Фермер хўжаликлари бугунги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигида юзага келаётган тадбиркорликнинг илғор шаклларидан биридир.

Фермер хўжаликлари ўзларининг фаолиятини ўзига хос хусусиятларига қараб қуйидагича туркумланади:

Ихтисослашувига қараб

- Деҳқончиликга асосланган фермер хўжаликлари
- Чорвачилик (сут, гўшт)
- Паррандачилик (парранда гўшти ва тухум)

- Боғдорчилик (узумчилик ва бошқалар)
- Бошқа соҳалари

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқараётган махсулотларига қараб хомашё етиштиришга ихтисослашган, етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган фермер хўжаликлари. Ишлаб чиқариш хажмига кўра йирик, ўрта ва кичик бизнес субъектларига тўғри келади.

Республикамиз фермер хўжаликларини ташкил этиш учун ер ажратиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Фермер хўжаликларига захира ерлари, махсус республика фонди ерлари, меҳнат ресурслари бўлмаган, янги суғориладиган ҳамда зарар кўриб ишламаётган ёки кам рентабеллик қишлоқ хўжалик корхоналарнинг ерлари берилади. Фермер хўжаликларига ер 50 йилгача бўлган, лекин 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиб, шартнома асосида амалга оширилади.

Дехқончилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари учун ер участкаларининг ўлчамлари пахтачилик ва ғаллачиликда энг камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликда 1 гектардан кам бўлмаслиги керак.

Фермер хўжалигининг ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади. Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланади, улар хусусийлаштирилиши, олди-сотди, гаров, ҳадя, айрибошлаш субъекти бўлиши, шунингдек иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас. Фермер хўжалиги кредит олиш учун ўз мол-мулкини, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини билан гаровга қўйиш мумкин.

Фермер хўжаликлари ердан тадбиркорлик асосида фойдаланишда қуйидагиларга риоя этишлари лозим:

- ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш:
- ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилиш:

- агар ижарага олиш шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, ер участкасини бир йил ичида ўзлаштириш:

Ўзбекистонда ердан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлаш, ижара ҳақи тариқасида ер участкаларининг сифатига жойлашган манзилига ва сув билан таъминланишлик даражасига қараб, унинг кадастр баҳосини инобатга олган ҳолда ягона ер солиғи тўлайдилар.

Фермер хўжаликлари сув ресурсларидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунига асосан, сувга доир муносабатларни тартибга солиш, кишлоқ хўжалиги ерлари учун сувдан оқилона фойдаланиш, сувни ифлосланишини олдини олиш, сувнинг зарарли таъсирини олдини олиш ва бартараф қилиш сув объектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек сув истеъмолчилар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини яхшилашдан иборат.

Фермер хўжаликлари сувдан лимит бўйича фойдаланиш назорат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Сувдан фойдаланувчилар белгиланган тартибда ирригация ишларини амалга оширади. Фермер хўжаликлари сув ресурсларидан самарали фойдаланишда сувни ўлчаш қурилмалари ва гидрокастлар орқали фойдаланадилар.

Фермер хўжалиги аъзолари ҳамда шартнома асосида ишлаётган ишчилар Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан амалга оширилиб борилади.

Меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражасини мавжуд ресурсларнинг йиллик иш вақти фондини, ишлаб чиқаришнинг иш кучига бўлган талабига бўлиш йўли билан аниқланади.

Хўжаликнинг иш кучига бўлган талаби, технологик карта бўйича бажариладиган иш ҳажмига қараб аниқланади.

Фермер хўжалиги аъзолари ҳамда шартнома асосида ишлаётган ишловчилар меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш вазирлиги ҳузуридаги «Нафақа» жамғармасига бадаллар тўлаган тақдирда, меҳнат

дафтарчаси белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда, уларнинг иш вақти иш стажига қўшилади ва провард натижада нафақа олишлари мумкин. Республикада Иқтисодиётнинг тез ва барқарор ўсиши танланган йўлнинг нақадар самарали ва ҳаётийлигини кўрсатди. Амалга оширилаётган тизимли чоралар мамлакатда глобал иқтисодий инкироз оқибатларини енгиб ўтиш, иқтисодиётнинг реал секторида тезкор ва изчил ўсишини таъминлашга хизмат қиляпти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъекти сифатида фермер хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Президент И.Каримов таъкидлаганидек: “Мамлакатимиз **қишлоқ хўжалигида** ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли ўтган йили мўл ҳосил етиштирилди – 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо этилди.

Таъкидлаш керакки, бундай мўл ҳосил асосан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон экинларининг раёнлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш эвазига таъминланди.

Мамлакатимизда буғдойдан гектаридан ўртача 55 центнер ҳосил олингани, айрим туманларда бу кўрсаткич 60-77 центнерни ташкил этгани, ҳеч шубҳасиз, фермерларимизнинг улкан ютуғидир.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривожланди. Ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та

янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда.³

Фермер хўжалиги ўз Низомига мувофиқ қуйидаги вазифалар ва фаолиятлар белгиланган:

-Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш асосида даромад (фойда) олиш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, ҳамда ўз аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш:

-Ажратилган ердан агротехника қоидалари асосида оқилона ва самарали фойдаланган ҳолда юқори ҳосилдорликни таъминлаш:

-Қишлоқ хўжалиги етиштириш, уларни қайта ишлаш ва реализация қилиш:

-Пахта ва ғаллачилик, ғамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва уларни реализация қилиш каби вазифалар белгиланган:

Шунингдек фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Низом жамғармаси, хўжаликни бошқариш тартиби кабилар белгиланган.

Хўжаликда ерга эгалик масаласи:

Фермер хўжалигининг мулкчилик муносабатларида асосий ўринни эгаллаб, бутун аграр сиёсатнинг муҳим масаласи ерга мулкчилик масаласидир. Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги қонун ҳамда «Ер кодекси»га мувофиқ Республикамизда ер мутлоқ давлат мулки бўлиб, уни олди-сотди қилиш ёки ҳадя этиш мумкин эмас. Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунда фермер хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнингмамлакатимизни 2015йилда ижтимоий –иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.”Халқ сўзи”17.01.2016

участкалари эллик йилгача бўлган, лекин 30-йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши кўзда тутилган. Фермер хўжалигига узок муддатга ижарага берилган ер майдонини ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи берилган.

Туман ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин ўн кун муддат ичида ҳокимликнинг ер тузиш ва ердан фойдаланиш хизмати фермер хўжалиги бошлиғи ўртасида 34.9 гектар ерни 30 йил муддатга ижарага олиш учун ижара шартномаси тайёрланиб, имзоланди. Шартнома тузилгандан кейин туман бош ер тузувчиси ва ширкат хўжалиги вакили фермер учун ажратилган ерни кўрсатди ва уч нусхадаги далолатнома билан тасдиқланиб, хўжалик фаолиятини бошлади.

Шартномага асосан фермер хўжалиги берилган ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиши, ҳамда улар хусусийлаштирилиши, шунингдек олди-сотди, гаров, ҳадя, айрибошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмаслиги, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олишда фермер хўжалиги томонидан гаровга қўйилиши каби шартлар белгиланган. Ижарага бериладиган суғориладиган ерларнинг тавсифида 100 фоиз сув билан таъминланганлиги.

Фермер хўжалиги 2008 йил декабр ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 октябрдаги “Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқариш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида”ги фармонини бажариш юзасидан бир қатор фермер хўжаликлари қисқартирилиб мақбуллаштирилди.

Президентимизнинг таъкидлашича: Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодиётимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя

қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур. Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016-йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг принципиал муҳим йўналишидир.

Айтиш керакки, мазкур тармоқда хўжалик юритишнинг фермерлик тизимига ўтилиши муносабати билан фермерлар учун ижара мулки ҳуқуқи асосида ажратиладиган ер майдонларини оптималлаштириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Бу тадбирни амалга ошириш, биринчи навбатда, суғориладиган деҳқончилик шароитида, сув тақчиллиги ва ерларнинг аксарият қисми кучли шўрланган бир вазиятда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва қишлоқ туманларида экин майдонлари амалда тупроқ унумдорлиги ва ер бонитети бўйича кескин фарқ қилиши билан боғлиқ.

Турли минтақаларда ташкил қилинган фермер хўжаликларининг тўплаган ривожланиш тажрибаси, самарадорлиги ва рентабеллигини ҳисобга олган ҳолда, уларни оқилона ва қулай миқдордаги ер участкалари билан таъминлаш учун қаттиқ иш олиб боришга тўғри келди.

Шу борада ер майдонлари ҳажмини аниқлашда субъектив ёндашувларга йўл қўймаслик ва бундай ҳолатларнинг олдини олишда ана шу ўта муҳим ишни амалга ошириш масъулияти депутатлар корпуси, Фермерлар кенгаши ва жамоатчилик зиммасига юклатилгани ҳал қилувчи омил бўлди⁴ эканлиги устивор йўналиш сифатида белгиланган.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнингмамлакатимизни 2015йилда ижтимоий –иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.”Халқ сўзи”17.01.2016

2-Боб. Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалиги фаолиятида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланиш тахлили

2.1 Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалигининг умумий таснифи

Республикада иқтисодиётнинг тез ва барқарор ўсиши танланган йўлнинг нақадар самарали ва ҳаётийлигини кўрсатди. Амалга оширилаётган тизимли чоралар мамлакатда глобал иқтисодий инқироз оқибатларини енгиб ўтиш, иқтисодиётнинг реал секторида тезкор ва изчил ўсишини таъминлашга хизмат қиляпти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъекти сифатида фермер хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини ривожлантириш учун ҳуқуқий-ташқилий шарт-шароитлар янада мастахкамланмоқда. Бугунги кунга келиб фермер хўжаликларида дон, сабзаёт, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайиб бормоқда.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи юридик шахс мақомига эга мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

«Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги Шахрихон туманидаги фермерликни ташкил этиш ва кенгайтириш жараёнида 2006 йил 22 декабрдаги Шахрихон тумани ҳокимининг № 967-К сонли қарори билан ташкил этилган бўлиб, 2008 йил 28 ноябрдаги №86-сонли қарори ва 2015 йил 7 ноябрдаги № 572-к сонли қарорлари билан ер майдонлари оптималлаштирилган.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги Сардор массиви, Ҳақиқат қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида жойлашган бўлиб, унга Шахрихон туман ҳокимининг 2006 йил 22-декабрдаги ПК-967 сонли қарорига асосан дастлаб 60,0 гектар ер майдони бириктирилган.

2009 йилда «Комилжон юрт ҳосили» фермер хўжалигининг 70,5 гектар экин майдонлари қўшилиб жами экин майдонлари 130,5 гектарни ташкил этган.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги ғарб томондан «Раимбува» фермер хўжалиги, жануб томондан «Хақиқат истиқболи» фермер хўжалиги, шарқ томондан «Ягона водий юлдузи» фермер хўжалиги билан чегарадош ҳамда шимол томонидан катта магистрал йўл яқинида жойлашган.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги Андижон вилоят марказидан 23 км, Шахрихон туман марказидан 5 км, фермер хўжалиги доимий алоқада бўладиган Шахрихон туман АЖ МТПдан 5 км, «ЎзҚишлоқхўжаликкимё» ХАЖнинг ҳудудий бўлимидан 4 км, Шахрихон нефть таъминоти корхонасидан 3 км, Шахрихон пахта тозалаш заводида 3 км, Пилла қабул қилиш корхонасидан 5 км, Ахтачи темир йўл станциясидан 17 км узоқликда жойлашган бўлиб, барча иқтисодий муносабатларни амалга ошириш қулайдир.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги ҳисоб рақами Агробанкнинг Шахрихон тумани бўлимида очилган бўлиб, Х/Р 2020800704563914001 МФО 00045 ИНН 206824864 ҳисобланади.

Андижон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги тупроғи оч тусли бўз тупроқ бўлиб, 2014 йил 1 январ ҳолатига жами ажратилган 77,9 гектар ер майдонининг 73,2 гектари экинзорлар, 2,3 гектари тутзорлар, 2,4 гектари йўллар ва зовур, ариқлар билан банд бўлган ерлар ташкил этади.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги пахта-ғалла йўналишига ихтисослашган бўлиб қонунда таъқиқланмаган ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақлидир. Ер участкасининг ижара шартномаси 10 банддан иборат бўлиб, улар шартноманинг мавзуси, ижара ҳақи, ер участкасидан фойдаланиш шартлари, ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижара шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш,

томонларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш, шартноманинг алоҳида шартлари ва якуний қоидалар каби масалаларни ўз ичига олади. Шартнома таркибидан кўриниб турибдики у жуда мукамал тузилган бўлиб, бу соҳада вужудга келадиган барча келишмовчиликлар уни асосида ҳал қилиниши мумкин. Ушбу масала бўйича низолар суд ҳайъатида кўрилганда ҳам ушбу шартнома суд қарори учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтилганда, фермер хўжалигидан ижарага олинган ер участкасини контрактация шартномаси асосида товар маҳсулоти етказиб берувчи субъект бўлиб ҳисобланади. Бу яна бир марта фермер хўжалигини давлат томонидан ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб қувватлашнинг бир кўриниши бўлиб хизмат қилади.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги бошлиғи Ахмедов Абдусалом 1970 йилда туғилган бўлиб, маълумоти олий, мутахассислиги агроном олим. Фермер хўжалиги раҳбари Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини 1994 йилда тамомлаб, ўз мутахассислиги бўйича иш фаолиятини собиқ «Сардор» ширкат хўжалигида энтомолог агроном вазифасида олиб борган. Умумий 16 йил иш стажига эга бўлиб, меҳнат фаолияти қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келади.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги бошлиғи Ахмедов Абдусалом раҳбарлигида доимо ўз олдига қўйилган барча вазифаларни хусусан пахта ва ғаллачиликда шартномавий режаларини ортиғи билан бажариб келмоқда.

1- жадвалда Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигига 49 йил муддатга ижарага берилган ер участкасининг тавсифи берилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигининг экин майдони 3 кадастр гуруҳининг 6 синфига оид бўлиб уни ўртача бонитет балли 60 га тенг. У 5- та суғориш картасидан иборат.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигининг ерлари унумдор ҳисобланиб тупроғи оч тусли, бўз тупроқ бўлиб, у кимёвий элементларга ва чириндига анча бойдир. Ушбу ерларда самарали

технологияларни қўллаш асосида пахта ва буғдой экинларидан юқори ҳосил олиш имкониятлари мавжуд.

Фермер хўжалиги ерини мелиоратив ҳолатини яхши деб баҳо бериб бўлмайди, чунки ер ости сувлари 1-1.5 метр чуқурликда жойлашган. Фермер хўжалигининг ерлари суғорма сувлари билан яхши таъминланган бўлиб, ёз ойларида маълум даражада сув танқислиги сезилиб туради.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги суғорма сувларини Шахрихонсой сув иншоотидан олади. Фермер хўжалигини суғорма сувлари билан таъминлаш Шахрихонсой сув иншооти сувдан фойдаланувчилар уюшмаси орқали амалга оширилади. СИУнинг маълумотларига кўра фермер хўжалигини ўртача сув билан таъминланиш даражаси ҳисобот йилида 95% ни ташкил этади.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкаларини тупрок банитет баллари тўғрисида маълумот⁵

2-жадвал

№	Ер участкалари		Банитет баллари	Ер майдони, га	ўртача банитет бали	Суғориш карталарни сони	Ўртача бир картани хажми. (га)	Суғориш карталарини тавсифи
	Кадастр гурухлари	Синфлари						Шахрихонсой СИУ дан Оқава сувлардан фойдаланади
1	1 кадастр гурухи	1 синф 2 синф	0дан 10 гача 11дан 20 гача					
2	2 кадастр гурухи	3 синф 4 синф	21дан 30 гача 31дан 40 гача					
3	3 кадастр гурухи	5 синф 6 синф	41дан 50 гача 51дан 60 гача					
4	4 кадастр гурухи	7 синф 8 синф	61дан 70гача 71дан 80 гача	73,2	65	5	12,0	
5	5 кадастр гурухи	9 синф 10синф	81дан 90гача 91дан 100 гача					

⁵ Манба: Хўжалик маълумотларидан қисқартириб олинди

Қишлоқ хўжалига мўлжалланган ерларнинг меъёрий баҳоларини белгилашда қуйидагилар, тупроқ сифати (банитет), умумий миқёсда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи корхонанинг ер майдони ёки қишлоқ хўжалик ерларининг асосий турлари кабилар ҳисобланади. Ҳозирда Кадастрли ҳисобланган ҳосилдорлик асосида яъни 100 баллик баҳолаш шкаласи бўйича 1-балл баҳога қабул қилинган центнерга ҳосилдан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳисобланган ҳосилдорлиги аниқланмоқда, бу маълумотлар қуйидаги -жадвалда келтирилади.

3-жадвал

Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари, боғлар ва токзорларнинг тупроқларининг бир банитет балига нисбатан ҳисобланган норматив ҳосилдорлиги⁶

Қишлоқ хўжалиги экинлари ва кўп йиллик дарахтлар	Тупроқнинг бир банитет балига нисбатан норматив ҳосилдорлиги, ц/га
Суғориладиган ерларда	
Вўза	0,4
Бошоқли дон экинлари	0,6
Тамаки	0,45
Шоли	0,7
Бир йиллик ўтлар (яшил ем-хашак)	3,0
Сабзавотлар	3,0
Полиз маҳсулотлари	2,7
Ўтган йиллардаги беда	2,0
Дон учун маккажўхори	0,75
Ем-хашакбоп илдизмевали ўсимликлар	9,0
Картошка	2,0
Боғлар (ўрта ҳисобда)	0,6
Токзорлар (ўрта ҳисобда)	0,8
Лалми ерларда	
Кузги буғдой	0,25
Кузги арпа	0,20
Баҳорги нўхат	0,12

⁶ Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235 сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида” низом 2-илоvasи.

**Андижон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигининг ер
майдони турлари бўйича қуйидагича: 4 -жадвал**

Номи	Контур т/р	Майдони, га	Номи	Контур т/р	Майдони, га
Сувли хайдаладиган		73,2	Қурилиш билан банд ерлар		-
Лалми хайдаладиган			Бошқа ерлар		-
Боғлар			Мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар		-
Узумзорлар			Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар		0,1
Тутзорлар		2,3			
Пичанзорлар					
Бўз ерлар					
Яйлов ерлар					
Томорқа ерлар					
Ихота дарахтзорлар					
Сув остидаги ерлар		9,1			
Йўллар, уватлар		1,0			
Жами		85,7			-

Изоҳ: Фермер хўжалиги шартномасидан қисқартириб олинди

Далолатномага асосан ижарага бериладиган суғориладиган ерларнинг
таснифи қуйидагича:

Сув билан таъминланганлиги 100 %;

Суғориб келинаётган муддати эски суғорилади;

Маданийлаштирилганлиги ўртача;

Эрозияга учраганлик даражаси учрамаган;

Шахрихон лик даражаси йўқ;

Шўрланиш даражаси шўрланмаган;

Сизот сувларнинг жойлашиш чуқурлиги 1 -2 метр;

Тупроқ бонитетининг ўртача ўлчанган бали 65;

Ер участкасининг кучсизлиги йўқ;

Сервитутлар йўқ

Келтирилган 4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжаликка ижарага берилган ер майдони 85,7 гектарни шундан, 73,2 гектари экин майдони бўлиб, қолган ер майдони тутқаторлар, ариқлар билан, йўллар билан банд ва бошқа ерлардан иборат.

Фермер хўжалигининг ер участкаси текисликда жойлашган бўлиб нисбатан олганда табиий иқлим шароитига қулай ҳисобланиб, тупроғи-бўз тупроқдир. Фермер хўжалиги жойлашган худудининг иқлим шароити кескин континентал бўлиб, ёз мавсуми иссиқ, қиш фасли эса совуқ ҳисобланади. Ёзда ҳаво ҳарорати +38, +42 даражага қадар кўтарилади. Қиш ойларида эса ҳавонинг -10, -12 даражагача, айрим йилларда -14-16 даражагача пастлайди. Йилнинг ўртача ҳаво ҳарорати 17-19 даражага тенг бўлиб, ўрта толали пахта-ғалла экинларидан юқори ҳосил олиш имкониятини беради. Фермер хўжалиги иқлим шароитига мос ҳолда суғорилиб дехқончилик қилинади.

Ер участкасининг мелиоратив ҳолати яхши бўлиб, ер ости сувлари 1,5-2 метр жойлашган. Тупроғи қора тупроқ ҳисобланиб, нисбатан олганда унумдор ҳисобланади.

Қўйилган мақсадга мувофиқ – ўз ишини қандай бошлаш, ишлаб чиқаришни қандай самарали юрғизиш ва товарни бозорга олиб чиқиш, янги ишлаб чиқаришни ким ташкил этади ва қачон даромад олинади, таваккалчиликни қандай камайтириш, оёққа туриб олиш ҳамда рақобат кўрашида ютиб чиқиш – саволларига ва бошқаларга тадбиркор ўзининг бизнес режасини ишлаб чиқишда жавоб олади. «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигининг охириги 3 йилдаги пахта ва дон ҳамда сабзовот маҳсулотлари етиштириш бизнес режалари ва уларнинг бажарилишини ўрганиб таҳлил этилиб, экин майдонининг бонитет баллидан келиб чиқиб белгиланган 1 гектардан етиштирилиши лозим бўлган режадаги ҳосилдорлик ортиғи билан бажарилиши сабабли ялпи ҳосил етиштириш режаси ҳам ошириб бажарилган.

**Фермер хўжалиги экин майдонлари таркиби ва хўжаликда ходимлар
сони ҳақидаги батафсил маълумотлар 5-жадвалда келтирилган**

**Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажиги» фермер хўжалигининг экин
майдонлари ва унинг таркиби**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бир- лиги	2013	%	2014	%	2015	%	2015й.да 2013й.га нисбатан %
Жами экин майдони	га	130,5	100	130,5	100	73,2	100	56,1
шундан: Пахта	га	61,9	47,4	61,3	47,0	37,4	51,1	60,4
Ҳосилдорлик	ц\ га	36,4		35,4		40,2		110,4
Ялпи ҳосил	ц	2253,2		2170		1503,5		66,7
Дон	га	68,6	52,6	69,2	53,0	35,8	48,9	52,2
Ҳосилдорлик	ц\ га	54,1		55,6		58,0		107,2
Ялпи ҳосил	ц	3711,3		3847,5		2076,4		55,9
Ходимлар сони	нафар	62	100,0	62	100,0	35	100,0	56,5
Пахтачиликда	нафар	56	90,3	56	90,3	31	88,6	55,4
Дончиликда	нафар	6	9,7	6	9,7	4	11,4	66,7
Ерни бонитет бали	балл	65		65		65		100

5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги 3 йилда фермер хўжалиги экин майдони 130,5 гектардан 73,2 гектарга камайган. Лекин хўжалик деҳқончилик маданиятига амал қилган ҳолда пахта экин майдонини буғдой билан қисман алмаштирган. Шу сабабли 2013 йилда 61,9 гектар экин майдонида пахта етиштирган бўлса, 2015 йилга келиб 37,4 гектар майдонда пахта етиштирган. Буғдой экин майдонлари ҳажми 68,6 гектардан 35,8 гектарга камайган.

Фермер хўжалигининг 57,0 - гектар майдонлари Шахрихон тумани ҳокимининг 2014 йил 16.01даги 79 -сонли қарори билан «Ягона водий юлдузи» фермер хўжалиги ихтиёрига ўтказилган.

Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда жами 35 нафар ходимлар иштирок этмоқда. Шунингдек фермер хўжалигида меҳнатни ташкил этишда аъзолардан ташқари ёлланма ишчи ва хизматчилар меҳнатидан ҳам фойдаланилади.

Асосий воситалар деб ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта қатнашиб, ўзининг қийматини маҳсулотга қисман амортизация кўринишида ўтказадиган воситаларга айтилади. Асосий воситалар таркибига қуйидагилар киради: тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, автомашиналари, бино-иншоотлар, кўп йиллик дарахтзорлар, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган воситалар киради.

Бундан ташқари фермер хўжалиги Шахрихон туман МТП АЖ билан шартнома асосида, техникалардан агротехник тадбирларни амалга оширишда фойдаланади.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномасини тузиш тартиби амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади ва тартибга солинади.

2.2 Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалигида тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланиш тахлили

Жаҳондаги кўплаб мамлакатларда моддий ва молиявий ресурслар чекланган ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохатларни изчил чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлашга унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, унинг таннархини пасайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий самарадорлиги даромадлар билан харажатларни таққослаш, асослаш асосида аниқланадиган мураккаб ва кўп қиррали иқтисодий категория бўлиб уни шаклланишида кўп омиллар таъсир кўрсатади. Уни ошириш мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш асосида амалга ошириш керак.

Ишлаб чиқариш ресурслари ўзларининг характерига қараб табиий-иқтисодий меҳнат моддий-техника ресурсларига бўлинади. Табиий ресурсларга қишлоқ хўжалигида ер, сув, табиий ўтлоқлар ва шу қабилар киради. Ер қишлоқ хўжалигида алмаштирилиб бўлмайдиган асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Ернинг ўзига хос хусусиятлари шундаки ундан тўғри фойдаланилса ўз унумдорлигини тўхтовсиз ошириб бориши мумкин.

Ердан қандай фойдаланилганлигини кўрсатувчи энг асосий кўрсаткич бу ҳосилдорлик. Иқтисодий ресурслар корхонада асосий ва айланма фондлар шаклида намоён бўлиб улар инсон меҳнати билан яратилади. Асосий фондларга бинолар, иншоотлар куч берувчи ва узатувчи машиналар ва асбоб-ускуналар техника ва қишлоқ хўжалик машиналари каби моддий буюмлар киради. Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида тўла қатнашиб ўз қийматини тайёр товарга ишлаб чиқариш цикллари давомида қисман ўтказиб ўзини олдинги шаклини сақлаб қолади.

Айланма фондларга уруғлик, ёнилғи мойлаш материалари, иш ҳақи, ўғитлар ва шу каби бошқа материаллар киради. Айланма жараёнида бир марта қатнашиб ўз қийматини тайёр товарга ўтказа олади, шунинг учун ҳам асосий фондларни эскирган яъни фойдаланилган қисмини ишлаб чиқариш корхоналарида амортизация ажратмалари шаклида ўз аксини топади. Фойдаланилган айланма фондлар эса ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ўз қийматини тўла ўтказиб ишлаб чиқариш харажатларига ўз аксини топади.

Табиий ресурсларидан фойдаланиш даражаси унинг ҳар бир тури учун аохидида иқтисодий кўрсаткичлар ўз натижасида натурал ва қиймат кўрсаткичларга бўлинади. Биз ҳам «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда рентабеллик даражасидан фойдаландик. У самарадорликнинг асосий якунловчи иқтисодий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги 6 -жадвалда келтирилади 6-Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, охириги 3 йилда хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигида ўсиш сезилмаган. Буни биз самарадорликнинг якунловчи асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан, яъни шу даврида 17,1 фоиздан 28,9 фоизга ортган. Лекин эришилган рентабеллик даражаси , оптимал даражадан анча паст ҳисобланади. Оптимал рентабеллик пахтада 30-35 фоизга, буғдойда эса 45-50фоизда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шундагина фермер хўжалиги ўз даромадлари билан кегайтирилган ишлаб чиқаришнинг белгиланган суръатларида амалга ошириш имкониятларига эга бўлади. Фермер хўжалигини ўзининг рентабеллик даражасини оптимал даражасига кўтариш учун нафақат пахта ва ғалла маҳсулотларини натурал кўриши билан бирга жохон бозоридаги талаблар даражасида етиштириш ғояларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер
хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2013 й	2014 й	2015 й	2015 йилда 2013 йилга нисбатан %
Экин майдони	га	130,5	130,5	73,2	56,1
а) пахта	га	61,9	61,3	37,4	60,4
б) бугдой	га	68,6	69,2	35,8	52,2
Ишлаб чиқариш харажатлари	м.сўм	274054,4	291073,2	203466,1	74,2
Шундан иш хаки	м.сўм	56578,5	58373,6	43792,1	77,4
Ходимлар сони	нафар	62	62	35	56,5
Ялпи маҳсулот	м.сўм	325108,2	356151,6	247790,4	76,2
Фойда	м.сўм	51053,8	65078,4	44324,4	86,8
1 га хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.сўм	2491,3	2729,1	3385,1	135,9
б) фойда	м.сўм	391,2	498,7	605,5	154,8
1 ходим хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.сўм	5243,7	5744,4	7079,7	135,0
б) иш хаки	м.сўм	912,6	941,5	1251,2	137,1
Рентабеллик	%	18,6	22,4	21,8	+3,2

Фермер хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кескин ошириш орқали, уларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш белгиланмоқда. Рақобатбардошлик даражаси маҳсулотнинг харажатлари таркиби ва таннархи ва сифати асосида аниқланади.

Фермер хўжаликлари маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ харажатларни амалга оширади. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида сарф қилинган моддий ресурслар ва жонли меҳнат ишлаб чиқариш харажатларини ташкил этади.

Хўжалик асосан пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигида

пахта етиштиришнинг иқтисодий самардорлиги кўрсаткичлари қуйидаги -
жадвалда келтирилади.

7-жадвал

**Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигида пахта
етиштиришнинг иқтисодий самардорлиги**

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2013	2014	2015	2015 йилда 2013 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	61,9	61,3	37,4	60,4
2	Хосилдорлик	ц/га	36,4	35,4	40,2	110,4
3	Ялпи хосил	ц	2253,2	2170,0	1503,5	66,7
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.сўм	173813,3	173627,6	133103,1	76,6
	Шундан иш хаки	м.сўм	44148,6	43927,8	33941,3	76,9
5	Ходимлар сони	нафар	56	56	31	55,4
6	Ялпи маҳсулот	м.сўм	187643,2	192101,0	148634,0	79,2
7	Фойда	м.сўм	13829,9	18473,4	15530,9	112,3
8	1ц пахтани таннархи	сўм	77142	80012	88530	114,8
9	1ц пахтани сотиш баҳоси	сўм	83280	88525	98860	118,7
10	1 га хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.сўм	3031,4	3133,8	3974,2	131,1
11	б)харажатлар	м.сўм	2808,0	2832,4	3558,9	126,7
12	1 ходим хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.сўм	3350,8	3430,4	4794,6	143,1
	б) иш хаки	м.сўм	788,4	784,4	1094,9	138,9
13	Рентабеллик	%	8,0	10,6	11,7	+3,7

7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги пахта етиштиришнинг иқтисодий самардорлик кўрсаткичларидан рентабеллик даражаси 8,0 фоиздан 11,7 фоизга ортган бўлиб, бу кўрсаткич талаб даражасидан анча паст, уни бозор шароитларига мос ҳолда ошириш мақсадида доимий равишда янги техника ва

технологиялардан самарали фойдаланиб келишини таъминлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Давлат эҳтиёжлари учун фермер хўжаликларидан харид этиладиган пахта ва дон экинлари давлат харид нархларида сотиб олинади. Ҳозирги кунда пахта хом-ашёсининг ҳаммаси (аслида 50 фоиз деб белгиланган) ва ғалланинг 50 фоизи давлат харид нархлари бўйича сотиб олинмоқда.

Давлат харид нархлари даражаси фермер хўжаликларининг етарли даромад олишига имкон бермайди. Кейинги йилларда давлат харид нархларини такомиллаштириш тадбирлари кўрилмоқда. Жумладан, Республика Президентининг 2002-йил 20-августдаги «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида»ги Фармони билан пахта экадиган хўжаликларнинг юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришга рағбатини ошириш ҳамда нарх белгилашда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган жаҳон амалиётида қабул қилинган меъёр ва тамойилларни кенг жорий этиш мақсадида пахта хомашёсига ички харид нархлари, экспортга ва республика истеъмолчиларига етказиб берилаётган пахта толасининг улгуржи нархлари жаҳон бозорида шаклланаётган пахта нархи конъюктурасига мувофиқ белгиланиши тартиби жорий этилди. Бунинг натижасида фермер хўжаликларининг давлат буюртмалари бўйича етказиб бераётган пахта хомашёси нархлари сезиларли даражада ошди.

Фермер хўжаликларининг давлат буюртмасидан ташқари барча маҳсулотлари улгуржи ёки чакана эркин (шартномавий) нархлар орқали сотилади. Қишлоқ хўжалиги тармоқларининг барқарор фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун ҳозирда аксарият ривожланган давлатларда амал қилинаётган эркин бозор тамойиллари тўлиқ амал қилиши талаб этилади.

Бугунги кунда республикада қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг асосий даромад манбаи етиштирилган маҳсулотни сотиш билан бевосита боғлиқ. Аммо, шу билан биргаликда ҳозирда деярли барча ривожланган мамлакатларда қишлоқ

хўжалиги тармоқларида етиштирилган асосий турдаги маҳсулотлари нархи ўзгариши давлат томонидан назоратга олинган ҳолда кузатиб борилади.

Ҳозирги кунда маҳсулотлар нарҳини шакллантиришда ишлаб чиқаришда сарф қилинадиган моддий ресурслар нархи асосий ўринни эгалламоқда. Қишлоқ хўжалигига моддий-техника ресурслари етказиб бериш, турли иш ва хизматлар кўрсатиш ва маҳсулотларни қайта ишлашга ихтисослашган тармоқлар нарҳини тартибга солиш бу муаммони қисман бўлсада ечишга имкон бериши мумкин.

Келгусида давлатнинг кафолатли нархлар тизимини жорий этишга бўлган талаб кучайиб боради. Буни ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан ҳам кўриш мумкин.

Айниқса, қишлоқ хўжалигида нархлар шаклланиши ва қишлоқ хўжалигига моддий-техник воситалар етказиб берувчи соҳалар маҳсулотларига нарх шаклланиши механизмидаги фарқлар ҳисобидан кўрилаётган зарар жуда катта бўлмоқда. Натижада, соҳалар ўртасидаги нархлар номутаносиб ўсиши натижасида, катта миқдордаги маблағ бошқа саноат соҳаларига ўтиб кетмоқда.

Ҳозирда республикада амалга оширилаётган молиялаш тизимидаги муҳим нуқсонлардан бири бу ҳамон асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига (пахта хом ашёси ва ғалла) нарх белгилаш жараёнининг харажатларга асосланган тамойилидан фойдаланиб келаётганлигидир. Бунда пахта хомашёсига ва ғалла етиштириш учун белгиланаётган ўртача нарх Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича технологик карталар асосида, ўртача харажатларга маълум рентабеллик даражасини ҳисобга олиб аниқланмоқда.

Нарх белгилаш жараёнида республика доирасидаги инфляция даражаси, маҳсулотлар бозори конъюнктураси эътиборга олинсада, бу биринчидан ҳақиқий аҳволни ўзида кам акс эттирмайди. Амалдаги нарх-наво эса (айниқса саноат маҳсулотларининг монопол нархлари) йил давомида доимий равиш ўсиб боради.

Иккинчидан, бу шароитда маҳсулот етиштириш жараёнларида харажатларни тежаш механизми ишлаши учун шароитлар мавжуд бўлмайди. Маҳсулот етиштирувчи деҳқон ҳамон харажатларни оширишдан манфаатдор бўлиб келмоқда.

Фермер хўжаликларида етиштирилган пахта хом-ашёси «Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлигидан 2007-йил 3-сентябрда 1711-сон билан рўйхатга олинган Пахта хом ашёсининг харид нархини ва пахта толасининг улгуржи нархини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан пахта давлат харид нархларида пахта тайёрлаш пунктларига етказиб берилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида фермер хўжаликлари фаолиятидаги таркибий ўзгаришлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самардорлигини ошириш юзасидан қабул қилинган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар талабларини бажарилиши нуқтаи назардан фермер хўжалиги раҳбар ва мутахассисларини алоҳида фикр ва мулоҳазаларини ўрганган ҳолда истиқболда «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда.

Фермер хўжаликларининг молиявий фаолияти уларнинг давлат, бошқа корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатини тартибга солиш билан боғлиқ пул муносабатларини ифодалайди. Шунингдек хўжаликнинг иш фаолияти унинг молиявий ҳолати билан чамбарчас боғлангандир. Молиявий ҳолат хўжаликнинг ҳар томонлама хўжалик фаолиятининг натижаларини акс эттиради ва режада белгиланган ишларнинг бажарилишига таъсир кўсатади. Шунинг учун ҳар бир хўжаликни молиявий хўжалик фаолиятини тўғри олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Фермер хўжаликларни молиявий фаолиятини ҳисобга олиш ва таҳлил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5

февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги НИЗОМга асосан амалга оширилади.

Мазкур Низомга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.12.2006 й. ПҚ-532-сон Қарори, Вазирлар Махкамасининг 21.05.2007 й. 105-сон Қарори, 02.10.2008 й. 221-сон Қарори, 11.03.2009 й. 63-сон Қарори, 17.02. 2010 й. 22-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2011 й. ПҚ-1675-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

Низомда келтирилган харажатлар таснифи энг аввало молиявий бошқаришда харажатларни тўғри ва тўлиқ акс эттиришга, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини тузиш учун унинг фаолияти молиявий натижаларини (фойда ёки зарарни) аниқлашга йўналтирилгандир.

8 - жадвал

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари таркиби (минг сўм)						
Харажатлар тури	2013	%	2014	%	2015	%
Моддий харажатлар	111066,7	63,9	111295,3	64,1	88380,4	66,4
а) уруглик	18250,4	10,5	17536,4	10,1	13709,6	10,3
б) угитлар	41193,7	23,7	42538,8	24,5	33408,9	25,1
в) Ё.М.М	33024,5	19	33162,9	19,1	25555,8	19,2
г) иш ва хизматлар	12514,6	7,2	12153,9	7	10382,0	7,8
д) бошқа моддий харажатлар	6083,5	3,5	5903,3	3,4	5324,1	4
Меҳнат хаки харажатлари	44148,6	25,4	43927,8	25,3	33941,3	25,5
Ижтимоий ажратмалар	11037,1	6,4	10981,9	6,3	5091,2	3,8
Асосий воситалар эскириши	4866,8	2,8	4861,6	2,8	3726,89	2,8
Бошқа харажатлар	2607,2	1,5	2604,4	1,5	1996,5	1,5
жами	173813,3	100,0	173627,6	100,0	133103,1	100,0

8-жадвалда Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжаликда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 5-февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган 2003-йилда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан амалга оширилади бунда моддий харажатлар меҳнат ҳақи харажатлари, ижтимоий суғурта ажратмалари, асосий воситаларни эскириши, бошқа харажатлар моддалари бўйича ҳисобга олинади.

Моддий харажатлар таркибига пахта ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар киради. Улар жумласига уруғлик, ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва иш ва хизматлар киради.

Маълумки пахтачиликда маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш кўп жиҳатдан минерал ўғитлар билан ўз вақтида ва етарли миқдорда таъминланиши, уларни қўллашда аниқ асосланган меъёрларга амалга қилишга боғлиқ.

Бизга яхши маълумки, пахтачиликда моддий ресурсларнинг ортиқча сарфига йўл қўйишда, моддий сарфлар ҳисобини тўғри ташкил этмаслик, унумдорлиги паст ерда жойлашган пахта ва ғалла етиштирувчи фермерлар ҳосилдорликни инобатга олмай, минерал ўғит, ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқа ресурслар сарф қилишга сабаб бўлмоқда.

Хўжаликнинг 2013 йилда жами харажатлар 173 млн. 813,3 минг сўмни, шундан моддий харажатлар 111 млн. 66,7 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб жами харажатлар 133 млн. 103,1 минг сўмни моддий харажатлар 88 млн. 380,4 минг сўмни ёки 66,4 фоизни ташкил этган.

Шахрихон туманидаги пахтачилик фермер хўжаликлари ўртача кўрсаткичлари билан «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигини пахта етиштириш бўйича солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари 2015 йил

Курсаткичлар	Улчов бирлиги	Шахрихон туманидаги 2015 йил пахтачиликдаги жами фермер хўжаликлари бўйича	Обод Диёр Келажаги фермер хўжалиги бўйича	Обод Диёр Келажаги фермер хўжалигида Шахрихон тумани бўйича ўртача кўрсаткичларга нисбатан ,%
Экин майдони	га.	7975	37,4	X
Хосилдорлик	ц/га	33,9	40,2	118,6
Ялпи хосил	центнер	270352,5	1503,48	X
Ишлаб чиқариш харажатлари	м.сўм	23 791 020,0	133103,1	X
Шундан: иш хаки	м.сўм	5828800	33941,3	X
1 центнер пахтани таннархи	сўм	88000	88530	100,6
1 центнер пахтани сотиш баҳоси	сўм	95700	98860	103,3
Ялпи маҳсулот	м.сўм	25872734	148634,0	X
Фойда	м.сўм	2081714,3	15530,9	X
1 га ҳисобига:				
а)харажатлар	м.сўм	2983,2	3558,9	119,3
а) ялпи маҳсулот	м.сўм	3244,2	3974,2	122,5
б) фойда	м.сўм	261,0	415,3	159,1
Рентабеллик	%	8,8	11,7	+2,9

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини туман кўрсаткичларига солиштирилганда иқтисодий кўрсаткичларда ижобий ўзгаришлар мавжуд бўлиб, хўжаликнинг рентабеллик кўрсаткичи +2,9 даражага юқоридир.

Дунё ҳамжамиятида озиқ –овқат муаммоси вужудга келган ҳозирги шароитда хўжаликда дон маҳсулотлари етиштириш мамлакатимизнинг озиқ –овқатга бўлган эҳтиёжини таъминлашда муҳим ҳисобланади.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигида бугдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги 10 -жадвалда келтирилади.

10–жадвал

Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалигида бугдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2013	2014	2015	2015 йилда 2013 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	68,6	69,2	35,8	52,2
2	Хосилдорлик	ц/га	54,1	55,6	58,0	107,2
3	Ялпи хосил	ц	3711,26	3847,5	2076,4	55,9
4	Ишлаб чиқариш хара-жатлари	м.с	100241,1	117445,5	70363,0	70,2
	Шундан иш хаки	м.сўм	12429,9	14445,8	9850,8	79,3
5	Ходимлар сони	нафар	6	6	4	66,7
6	Ялпи маҳсулот	м.сўм	137465,1	164050,6	99156,4	72,1
7	Фойда	м.сўм	37223,9	46605,0	28793,4	77,4
9	1ц бугдойни таннархи	сўм	27010	30525	33887	125,5
10	1ц бугдойни сотиш бахоси	сўм	37040	42638	47754	128,9
11	1 га хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.сўм	2003,9	2370,7	2769,7	138,2
	б) харажатлар	м.сўм	1461,2	1697,2	1965,4	134,5
	б) фойда	м.сўм	542,6	673,5	804,3	148,2
12	1 ходим хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.сўм	22910,8	27341,8	24789,1	108,2
	б) иш хаки	м.сўм	2071,7	2407,6	2462,7	118,9
13	Рентабеллик	%	37,1	39,7	40,9	+3,8

Изоҳ: Шахрихон туман статистика маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

10 -жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охири уч йилда бугдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўтарилиб борган. Яъни бугдой ишлаб чиқаришнинг асосий яқунловчи иқтисодий кўрсаткичи бўлган

рентабеллик 37,1 фоиздан 40,9 фоизга ёки +3,8 даражага кўтарилган. Бунинг асосий сабаби ялпи бугдойни ишлаб чиқариш харажатларига қараганда устун даражада ўсишидир.

Лекин, фермер хўжалигини бугдой етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлигини ҳали талаб даражасидан анча паст. Уни камида 55-60 фоизга кўтариш чораларини кўриш керак. Акс ҳолда фермер хўжалиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга тўла эга бўлмайди.

11-жадвал

Шахрихон туманидаги “Обод Диёр Келажаги” фермер хўжалигида етиштирилган бугдой таннарни ва уни харажат турлари бўйича тақсимланиши (минг сўм)							
№	Харажатлар тури	2013	%	2014	%	2015	%
1	Моддий харажатлар	76684,5	76,5	90550,5	77,1	53757,3	76,4
	а) уруглик	13532,6	13,5	15855,1	13,5	9499,0	13,5
	б) уғитлар	27265,6	27,2	32297,5	27,5	19560,9	27,8
	в) Ё.М.М	12129,2	12,1	14445,8	12,3	7739,9	11
	г) иш ва хизматлар	17041,0	17	20200,6	17,2	12172,8	17,3
	д) бошқа моддий харажатлар	6716,2	6,7	7751,4	6,6	4784,7	6,8
2	Меҳнат хақи харажатлари	12429,9	12,4	14445,8	12,3	9850,8	14
	Ижтимоий ажратмалар	3107,5	3,1	3611,5	3,1	1477,6	2,1
4.	Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	3508,4	3,5	4110,6	3,5	2462,7	3,5
5	Бошқа харажатлар	4510,9	4,5	4697,8	4	2814,5	4
	жами	100241,1	100	117445,5	100,0	70363,0	100,0

11-жадвалда Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» хўжалигида бугдой етиштириш учун сарфланган харажатлар барча элементлар бўйича 2015 йилда 2013 йилга нисбатан экин майдонлари ҳисобига камайган. Жумладан, моддий харажатлар жами ишлаб чиқариш харажатларининг салмоғи 76,4 фоизни ташкил этган.

Албатта улардан фойдаланиш жараёнида ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва техник сервис хизматлари учун харажатлар

талаб қилади. Шу ўринда дизел ёқилгиси учун харажатлар салмоқли аҳамият касб этади.

«Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигининг Шахрихон тумани буғдой етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлик бўйича солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари қуйидаги 12 -жадвалда келтирилади .

12-жадвал

Шахрихон туманидаги пахтачилик - ғаллачилик фермер хўжаликлари ўртача кўрсаткичлари билан «Обод Диёр келажаги» фермер хўжалигини буғдой етиштириш бўйича солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари 2015й

Курсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Шахрихон туманида 2015 йил буғдой етиш тиришдаги жами фермер хўжалиги бўйича	Обод Диёр Келажаги фермер хўжалиги бўйича	Обод Диёр Келажаги фермер хўжалигида Шахрихон тумани бўйича ўртача кўрсаткичларга нисбатан ,%
Экин майдони	га.	7029	35,8	X
Хосилдорлик	ц\га	65,0	58,0	89,2
Ялпи хосил	центнер	456885,0	2076,4	X
Ишлаб чиқариш харажатлари	м.сўм	16 009 250,4	70363,0	X
Шундан: иш хақи	м.сўм	1761018	9850,8	X
1 центнер буғдойни таннари	сўм	35040	33887	96,7
1 центнер буғдойни сотиш бахоси	сўм	48880	47754	97,7
Ялпи маҳсулот	м.сўм	22332539	99156,4	X
Фойда	м.сўм	6323288,4	28793,4	X
1 га хисобига:				
а)харажатлар	м.сўм	2277,6	1965,4	86,3
а) ялпи маҳсулот	м.сўм	3177,2	2769,7	87,2
б) фойда	м.сўм	899,6	804,3	89,4
Рентабеллик	%	39,5	40,9	1,4

Изоҳ: Шахрихон туман статистика маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Фермер хўжалиги Шахрихон туманига нисбатан бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам яхши натижаларга эришган. Лекин, фермер хўжалигини иқтисодий жихатдан ривожлантириш бўйича ҳали фойдаланилмаган имкониятларини тўлиқ фойдаланиш орқали иқтисодий самарадорликни оширишга эришиш мумкин.

**3-Боб Аграр тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш шароитида
Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигида
тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланишни
такомиллаштириш йўллари**

**3.1 Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер
хўжалигида ғўзани интенсив ва ресурстежамкор технологиялар
асосида парваришlash**

Чигит униб чиққан даланинг ҳолатини текшириб, ниҳолларнинг илдизини ривожланишига алоҳида эътибор бериш, илдиз чириш билан зарарланиши кузатилганда тупроқ намлигини камайтириб орасига ҳаво ва иссиқнинг киришига шароит яратиш, тупроқни майин, донатор ҳолатга келтириш, бунинг учун қатор орасига сифатли ишлов бериш шарт. Ҳаво ҳарорати кўтаарилганда ўз вақтида сифатли ишлов берилмаса, ғўза ниҳоллари ривождан орқада қолади. Пахта очилишини кечиктиради, натижада ҳосилдорлик пасаяди, ниҳоллар нимжон бўлиб, касалликка чалинади.

Ер етилиши билан ниҳоллар қатор бўлиб кўрингандан сўнг биринчи культивацияни ўтказиш керак, шундан тупроқ намлиги камайиб, ҳаво ва иссиқ кириши натижасида қолган чигитлар униб чиқади, ортиқча намлик кўтарилади, тупроқ майин, донатор бўлиб ҳаво айланиши яхшиланади, ўсимлик илдизи яхши ривожланади. Бу эса ўз навбатида, гоммоз, илдиз чириш касалликларини қўзғатувчи патогенларни камайтиради, ғўзани соғлом ва дуркун ўсиб-ривожланишини таъминлайди.

Қатқалоқ бўлган жойларда ишлов беришда лувлигаторга ротацион юлдузча, пичоқлар вачукур юмшатиш панжаларини ўзаро мос ҳолда жойлаштириш керак. Бунда, юлдузчалар 3-5 см, ўртадаги иш органлари 12-14 см, чеккадагилари эса 6-8 см чуқурликка мослаб ўрнатилиши зарур. Ғўза қатор ораси 60 см. да лувлигаторда 33 та, 90 см. да 37-39 та ишчи ўрганлари бўлишига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Плётка остига чигит экилган майдонларда бегона ўтлар тез ривожланиб, уни кўтариб юбориши мумкун. Бунинг олдини олиш учун культивация билан бир йўла чопикни амалга ошириш керак. Умуман чопик, ягана, культивация ишларини тизимли равишда ташкил етиш лозим.

Механик таркиби енгил, кумоқ, кумли ерларда ва ўртача тупроқларда биринчи культиваторнинг четки ишчи органлари 6-8 см, иккинчи жуфт органлар 8-10 см, учинчи жуфт органлар 10-12 см, ўртадагилари 60 см қатор оралиғида 13-14 см, 90 см қатор оралиғида 15-16 см чуқурликка мослаб ўрнатилади ва трактор паст тезликда юргизилади. Агар культивация кечиктирилса, қатқалоқ тагида, паст хароратда униб чиқолмаган чигитлар узоқ туриб қолиши ва барг ёзиши юбориши ҳамда илдиз чириш касаллиги келиб чиқиши туфайли ҳосилдорлик 3-4 ц/га.гача пасайиши мумкин.

Чигит қўшқатор экилган майдонларда тупроқдаги ортиқча намликни кўтаришда биринчи культивацияда қўшқатор орасини юмшатиш учун бир дона ККО ёки кичик лапка 5-6 см ва икки дона РОР юлдузчаси билан 3-4 см чуқурликда ишлов бериш тавсия этилади. Қўшқаторлар оралиғи 25-30 (40) см бўлганда қатор орасига ишлов берилиши тупроқнинг зичлашмаслигини таъминлаб, ғўзанинг ўсишига ижобий таъсир этади.

Ресурстежовчи такомиллаштирилган қатор ораси 60 см бўлганда олти қаторли чигит экадиган сеялка ва ғўза қатор ораларига ишлов берадиган культиватор тўрт қаторли сеялкага мос равишда 90 см культиваторнинг олдинги чап ва ўнг секцияларини иккала томонга ишчи органлари ўрнатиб, олтита тўлиқ ишчи культиваторларга 60 см схемада жойлаштирилган. Бу агрегатнинг иш унумдорлиги юқорилиги, ёнилғи-мойлаш воситалари тежаши, тупроқни зичлантормаслиги ва пахта ҳосилдорлигини ошириши каби муҳим хусусиятлари билан аҳамиятлидир.

Агрегатнинг иқтисодий кўрсаткичлари

№	Иқтисодий кўрсаткичларни турлари (ҳар бир гектарда)	миқдор	Натижалар
1	Меҳнат унумдорлиги	30-35 фоиз	ошди
2	Ёнилғи-мойлаш материаллари	20-22 фоиз	тежалди
3	Ўтишлар сони (бир гектарда)	30-32 фоиз	камайди
4	Меҳнат сарфи	10-соат	Киши/соат тежалди
5	Ҳосилдорлик	3-4ц/га	ошди
6	Тупроқ зичланиши	0.2-0.3г/см ³	г/см ³
7	Ўтишлар сони камайиши ҳисобига угор (ис, газ)	30-32 фоиз	камайди
8	Рентабеллик даражаси	35-40 фоиз	Ташкил этди

Олти қаторли сеялкада екилган далаларни олти қаторли культиватор билан ғўза қатор ораларига ишлов беришда, яъни биринчи культивация кенг ва чуқур, ғўза қатор оралиғи 46-48 см кенгликда 16-18 см чуқирликда ўтказилади. Чигит униб чиққан майдонда бегона ўтлар бўлса бритвали ишчи органлар жойлаштирилади, молани иккала биқинида тупроқ кўпроқ бўлса кавариқ диск жойлаштириб, ишчи қисмлар ўрнатилади. Культивациянинг иш қуролларини жойлаштиришда энг асосий эътибор даланинг сифати ва шароитига қараб ростланиши, бешта секциянинг наральник ва ғозпанжалари ғўза қатор орасининг ўртасига (яъни 30 см) тўғри ўрнатилиши керак.

Ёғингарчилик туфайли тупроғи ўта зичланиб кетган ва ер тайёрлашда техника кўп киритилган, пастки қатламда девор ҳосил бўлган майдолардаги ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришни таъминлашда чуқур юмшатишнинг аҳамияти катта

Кейинги культивацияларда ғўзанинг илдизини шикастлантормаслик мақсадида юмшатиш кенглиги ва чуқур қатор оралари кенглиги, тупроқ турига қараб белгиланади. Қатор оралари 60 см бўлганда культиватор четки органлари ўсимликдан 8-10 см узоқликда, 6-8 см чуқирликда, ўрталардагилари 12-14 чуқурликда, ишлов кенглиги 40-44 см, 90см қатор оралиғида культиватор ишчи органлари ўсимликда 8-10 см узоқликда, 6-8 см

чуқурликда, кейинги жуфтликлари мос равишда 8-10, 10-12 см ва ўртадагилари 15-16 см чуқурликда ўрнатилиш, ишлов бериш кенглиги 70-74 см,ни ташкил этиши керак. Олти қаторли культиватор билан ғўза қатор ораларига ишлов беришда, яъни иккинчи культивация 42-44 см кенгликда, 20-22 см чуқурликда ўтказилади. Ишчи органлари ғўза қаторидан 10-12 см кочирилиб, ўрта органлар 2-4 см чуқурроқ ўрнатилиб, тупроқ қатлами юмшатиб борилади.

Илдиз тизимининг яхши ривожланишини таъминлаш учун 1-ва 2-культивация орасида махсус мослама ёки чизель культиватор ёрдамида механик таркиби енгил ва ўрта тупроқларда 18-22 см, механик таркиби оғир тупроқларда 20-25 см чуқурликда юмшатиш чораларини кўриш лозим.Нихолларни озиқа моддалар билан яхшироқ таъминлаш ва ривожланишини тезлаштириш мақсадида культивация билан биргаликда гектарига соф ҳолда 50 кг азотли ўғит (аммиакли селитра 150 кг/га ёки мочевина 110 кг/га, аммоний сульфат 240 кг/га) чириган ва қуруқ гўнг солиниши яхши самара беради. Бунинг учун 1кг азотли ўғитга 2,0-2,5 кг чириган ва эланган гўнг қўшиб солиниши тавсия этилади.

Нихолларни озиқлантириш баравж ўсишига имкон беради, ўғитлар культиваторлар билан солинганда ер бетига сочилиб кутмаслиги ва саёз (3-5 см) берилмаслиги керак. Шу боис ўғитлар ғўзанинг 15-18 см ёнига, 12-18 см чуқурликка солингани маъқул. Агар ўғит белгиланган чуқурликдан чуқур солинса, нихолларнинг илдизлари ҳали унчалик ривожланмаганлиги сабабли тўлиқ ўзлаштира олмайди ва сув билан ювилиб, тупроқнинг қуйи қатламига тушиб кетишидан ташқари биологик жараёнлар таъсирида исроф бўлади.

Ќўза ривожланишининг дастлабки даврларида азот ва фосфорга жуда талабчан бўлади. Бу даврда нихоллар озиқлантирилмаса, кейинги ривожланиш даврларининг чўзилиб кетиши ва ҳосилга салбий таъсир этиши мумкин. Нихолларни кўшимча равишда баргдан озиқлантириш ҳам самаралидир. Бунда ғўзани шоналаш даврида карбамид ўғитидан (5-7 кг/га) ёки суяқ ҳолдаги КАС (карбамид-аммиаклиселитра, 5-7 л/га) суспензия

тайёрлаб сепиш ёки таркибида жуда кўп озика элементлари ва ўсимлик учун зарур бўлган микро-макро элементларга бой Гумимакс (0,3 л/га), Узгуми (0,3 л/га), Эдагум (0,3 л/га), Фитовак (300-400 мл/га) ва бошқа стимуляторлар билан ишлов бериш яхши самара беради. Барг сатҳига тушган суспензия ўсимлик тўқималарига сўрилиб, ғўзанинг ўсиб-ривожланишини яхшилайдиган, барглар қалинлашиб, ундаги хлорофиллар миқдори кўпаяди, фотосинтез жараёни жадаллашади ва ҳосилнинг пишиб етилиши тезлашади, ҳосилдорлик 12-15 фоизга ошади.

Карбамидли суспензия билан ишлов беришда ғўзанинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда аввал эритма тайёрланади. Бир гектар майдонга етадиган эритмани тайёрлаш учун физик ҳолда 5 кг карбамид 50 литрлик идишда, сувда эритилади. Кейин эритмани 100 литрлик идишга қуйгач яхшилаб аралаштирилади. Тайёр эритманинг меъёри тавсия этилганидан ортиқ бўлса, ниҳолларга салбий таъсир этиши (барглари қуриши) мумкин. Аксинча, меъёри паст ҳолатдагиси самарасиз бўлади.

Кейинги суспензия сепишда 50 литрлик идишдаги сувда физик ҳолда 7 кг карбамид эритилади ва бу эритма 100 литрлик идишга қуйилиб, яхшилаб аралаштирилади ва бир гектарга сепади. Бунда тракторларга ўрнатилган бочкаларга 200 литр тоза сув ва 100 литр тайёрланган эритма қуйилиб аралаштирилади ва гектарига 300 литр миқдорда ишчи эритма қўлланади.

Суспензияни эрталаб ва кечқурун ҳаво ҳарорати 20-25 С дан ошмаган пайтда сепиш тавсия қилинади. Ҳаво илиқ ва булутли кунларда суспензияни кун давомида сепиш мумкин. Ёмғир ёғаётган пайтда суспензия сепиш тавсия қилинмайди, чунки озика моддалари ювилиб, ўғитларнинг самараси пасайиб кетади.

Чопиқ ишларини сифатли ва ўз муддатида бажарилишини ташкил этиш зарур. Шунингдек, кўп йиллик бегона ўтларга (ғумай, ажриқ ва бошқалар) қарши, бўйи 10-15 см га етганда Энтерра гербицидини 1,5 л/га ҳисобида пуркалса яхши натижа беради. Бунинг учун дала атрофига 500

донадан олтинкўз энтомофагини чиқариш, дала четларини ихоталаш чораларини кўриш керак.

Ѓўзани суғоришда сув тежовчи технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш керак. Суғоришни мақбул тартибда, тензиометр (тупроқ намлигини ўлчаш), рефрактометр (Ѓўза барги шираси концентрациясини ўлчаш) каби замонавий ва портатив ускуналардан фойдаланиш ҳамда Ѓўзани эгат орқали сунъий қувурлар ёрдамида суғориш ҳисобланади. Суғоришда сунъий қувир ҳосил қилувчи мосламани эгат ораси 60 см бўлган пахта далаларига ўрта ва оғир тупроқларда ўтказиш мумкин. Сунъий қувирлар махсус мосламалар орқали трактор ғилдираги юрмаган эгатларда ҳосил қилинади. Ҳар бир сувдан кейин тупроқ етилганда тракторда экин қатор орасига ишлов берилади.

Типик бўз, оғир кумоқли тупроқлар шароитида сунъий қувирлар Ѓўзанинг ўсиш мавсумида 12-15, 22-25 ва 32-35 см чуқурликда ўрганилади. Ўтказилган илмий-тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тупроққа ишлов беришни, сунъий қувурлар билан биргаликда ўтказилса, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ошиб, нишаб ерларда оқавага сувни чиқиб кетиш сарфи қисқаради. Эгат узунлиги 100м бўлган ерларда Ѓўзани эгат оралатиб суғоришда 17-18% иқтисод қилинади, тупроқнинг ювилиши эса 7-8 т/га камаяди. Шу билан бирга ҳайдов қатлаמידан озиқа элементлари (азот, фосфор, калий 1,5-2,5 мартагача) ва гумус ювилиши камаяди.

Шуни такидлаш керакки, Ѓўзани парваришlashда суғоришни эгат кенглиги 60 см майдонларда эгат оралатиб,трактор ғилдираги юрмаган эгатлар орқали сунъий қувирлар 20-25 см, 32-35см чуқирликда ҳосил қилинса, сув сарфини камайтириш, минерал ўғитларни тежаш, тупроқ, эрозиясини бартараф қилиш, юқори ва сифатли ҳосил олиш имкони яратилади. Шунингдек, қатор орасига плёнка тўшаб Ѓўза суғорилганда 30-40% сув тежалиб, ҳосилдорлик 5-6 ц/га, сомон ёки компост тўшаб суғорилганда эса 25-30 % сув тежалиб, 3-4 ц/га пахта ҳосили ошиши тадқиқотларда аниқланган. Ушбу технологияларнинг асосий афзаллиги

мульча сифатида плёнка, сомон ёки компост ғўза қатор ораларига тўшалганда сувнинг тупроққа сингишини яхшилайти, намликни ортиқча буғланишнинг олди олинадиган ва намлик узок муддат сақланади, ўсимликнинг илдиз тизими яхши ривожланиб, озиқа моддаларни ўзлаштириш ва ҳосилдорлик ортиши таъминланади. Фермерлар юқоридаги тавсиялар бўйича иш юритсалар, ғўзаларнинг жадал ўсиб-ривожланиши таъминланади. Бу эса пировардида ноқулай шароитда ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштиришга пухта замин тайёрлайди.

3.2 Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигида тадбиркорлик омилларида самарали фойдаланиш омиллари

Ҳозирги кунда фермер хўжалигини модернизациялаш асосида жадал ривожлантириш уни иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтаришнинг ягона йўли бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигининг моддий-техника базаси нисбатан олинганда мустаҳкам бўлиб у агротехник чора-тадбирларни асосий қисмини мустақил утказилиши имкониятини бермоқда. Лекин фермер хўжалиги ўзининг моддий техника базаси сифат жиҳатдан тубдан яхшилаши зарур. Бу соҳада ривожланган давлатлар тажрибасида фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш бўйича ҳозирги кунда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш учун Президентимиз томонидан қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги олдида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технология ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

«Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги юқоридаги талабларни ҳисобга олиб ўзини ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида жадал ривожлантиришнинг истиқболли дастурини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда асосий эътиборни пахта ва ғалла ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида улар ҳосилдорлигини ва самарадорлигини кескин ошириш чора-тадбирларига қаратиш лозим.

«Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш ўзининг яқуний натижасини эришилган иқтисодий

самарадорликда топади. Фермер хўжалигида бу соҳада ўтказилган чоратадбирлар иқтисодий самарадорликни ошишига, жамоани тартиб интизомини мустахкамлашга, ходимлар манфаатдорлигини таъминлашга ва ижтимоий соҳаларни ривожланишига ўзининг мос ҳолдаги ижобий таъсирини кўрсатиши лозим.

Ишлаб чиқаришни ҳолати қиймат кўрсаткичлари ёрдамида аниқланганда, олинган натижаларга баҳолар таркибида юз бераётган ўзгаришлар катта таъсир кўрсатади. Айрим ҳолларда хўжаликда иқтисодий самарадорликни ошиши тўлалигича улар ишлаб чиқарган маҳсулотларига давлат буюртмалари асосида ўрнатилган баҳоларни мунтазам ўсиб бориши асосида юз бериши мумкин. Шу мақсадда хўжаликнинг йиллар бўйича самарадорлигини аниқлашда ва ўзаро солиштирилганда, таққослама баҳолардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу усул баҳолар таркибида юз берган ўзгаришларни самарадорликка бўлган асоссиз таъсиридан муҳофаза этилади.

Таққослама баҳолар, улар билан бевосита шуғилланувчи илмий текшириш муассасалари, марказлар ва шу каби бошқа манфаатдор идоралар томонидан ҳар 3-5 йилда бир марта аниқланиб, натижаларда эълон қилинади. Қайта баҳолашлар асосий ишлаб чиқариш фондларига ҳам тааллуқлидир. Ундан ташқари таққослама баҳоларни тадқиқотларни ўтказувчи ҳар қандай мутахассиснинг ўзи ҳам аниқлаб олиши ва улардан таҳлил жараёнида бевосита фойдаланиши мумкин. Бунда йиллар давомида шаклланган ҳарид баҳоларини қўшиб ўртачасидан ёки таққосланаётган йилларни биринчи ёки охириги йилдаги шаклланган баҳолардан фойдаланиши мумкин.

Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш жараёнида унда иштирок этадиган ресурсларни ҳисобга олиш керак. Ишлаб чиқариш ресурслари уч гуруҳга бўлиниб, уларга табиий ресурслар, иқтисодий ресурслар ва меҳнат ресурслари киради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда табиий ресурсларга аввало ер ресурслари ҳамда сув ва табиий иқлим шароитлари киради. Улар ичида ер

энг асосий ўрин тутиб у алмаштириб бўлмайдиган асосий ишлаб чиқариш воситаси хисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда ер ресурслари доимий ва мунтазам иштирок этади. Бошқа ҳар қандай асосий восита маълум муддат ўткандан кейин эскиради ва уни ўрнини янгиси эгаллайди. Ерни эса шундай табиий хусусияти борки унга яхши муносабатда бўлинса, у ўз сифатини, яъни унумдорлигини тўхтовсиз ошириб бориши имкониятига эгадир.

Фермер хўжалигининг иқтисодий ресурсларига уни ишлаб чиқариш фондлари киради. Хўжаликнинг ишлаб чиқариш фондлари икки қисмга бўлиниб, асосий ва айланма фондларни ташкил этади.

Асосий фондларга фермер хўжалигини бино ва иншоотлари, қишлоқ хўжалик техникаси ва машиналари, меваги дарахтлар, уй ҳайвонлари транспорт воситалари ва шу кабилар киради.

Айланма фондларга иш ҳақи, уруғлик, ёнилғи мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлари ўғитлар, ем-хашак ва шу каби маҳсулотлар таннархига кирадиган бошқа тез ишдан чиқадиган, ҳизмат муддати бир йилдан ошмаган материаллар киради.

Маҳсулот рақобатбардошлигининг оширилиши жаҳон инқирози шароитида иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашнинг ва самарадорлигини оширишнинг ҳал қилиб олишга айланган.

Фермер хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш орқали, хўжаликнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш мумкин.

Рақобатбардошлик даражаси маҳсулот таннархи ва сифати асосида аниқланиб, бунда таннархни пасайтириш, сифатини яхшилашда тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланишини талаб этади.

«Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги асосан дехқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, пахта, буғдой, сабзавот ва картошка қисман эса пилла маҳсулотлари етиштиради, Хозирда

хўжалик учун маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашда тармоқларнинг фойдалик кўрсаткичлари муҳити ҳисобланади.

Хозирги шароитда фермер хўжалиги тадбиркорлик фаолиятининг самарали ишлаши учун чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали юқори натижага эришишга ҳаракат қилинади.

Тадбиркорликда ишлаб чиқариш самарадорлигини жуда мураккаб иқтисодий категория бўлиб, у объектив иқтисодий қонунлар, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосини ифода этувчи натижани акс эттиради. Натижа эса ҳар қандай фаолиятнинг мақсадидир. Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатни қўллаш орқали олинган фойдали натижани ёки жонли ресурслар бирлигида олинган натижани ифода этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фермер хўжаликларининг муаян бир ижтимоий-иқтисодий тизимда вужудга келиши ва ривожланишнинг асосий шартларидан бири унинг самарадорлиги даражасида билан белгиланади. Самарали хўжалик юритишда рақобатли бозор муҳитда хўжаликнинг яшовчанлиги ва тараққиётини белгилаб бериувчи энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган иқтисодий ресурслар чекланганлиги, улардан имкони борича унумли, самарали фойдаланишни талаб этади.

Техник технологик омиллар асосида фермер хўжалигининг технологик мустақиллиги таркиб топади. Технологик мустақиллик бу корхонанинг маҳсулот етиштириш технологияси бўйича кўзда тутилган барча агротехник чора-тадбирларни мустақил равишда сифатли ўз вақтида ўткази олиш имконияти тушунилади. Бу фермер хўжалигида моддий-техника базасининг мустаҳкамлаш. Ер табиатдан чекланганлиги учун тупроқ унумдорлигини ортириб бориш, минерал ўғитлар, алмашлаб экиш, замонавий технологияларни қўллаш, агротехника меҳнат воситаларидан, ишлаб чиқаришни амалга ошириш кабилар киради. Фермер хўжалигидаги мавжуд техника ва қишлоқ хўжалиги машиналаридан унумли фойдаланишни

бунда оптимал банд бўлиб туришини таъминлаш ва уларнинг иш унумдорлигини ошириш зарур.

Фермер хўжалигининг ер майдонлари ҳажмини кичиклигини эътиборга олсак (73,2 га) уни техника воситалари билан таъминлашда ўзига хос бўлган давлатнинг имтиёзли кредит тизимидан, ҳамда мақбуллаштириш чора-тадбирларидан тадбиркорлик асосида фойдаланиш мумкин. Агротехник тадбирларни ва ишлаб чиқариш жараёнида янги технологияларни самарали қўллаш бўйича кадрларда етарли билим ва ишлаб чиқаришда кўникмалар ҳосил этиш учун уларнинг малакаси доимий ошириб бориш мақсадга мувофиқ. Тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланишда иқтисодий омиллар асосида иқтисодий мустақиллиги таркиб топади.

Фермернинг иқтисодий мустақиллиги унинг етиштирган маҳсулотларини сотишдан тушган пул даромадлари ҳисобидан ўзининг барча харажатларини тўла қоплаши ва олинган фойда асосида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган суръатларда амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлишдир.

Инқироз шароитида хўжаликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастури доирасида тадбиркорлик билан фаолият олиб бориши ва иқтисодий мустақилигини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориши муҳим аҳамият касб этади. Натижада фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга асосланган энг самарали хўжалик юритиш шаклига айланади.

Шунингдек кичик бизнес субъекти сифатида фермер хўжалигини ривожлантиришга хорижий инвестицияларни авваломбор ҳалқаро институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтириш зарур. Ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштироки уни кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни етиштириш, жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишни амалга ошириш зарур.

Кичик бизнес субъекти сифатида хўжаликда амалга оширилаётган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёз ва преференциялардан оқилона

фойдаланиш, ҳисоботлар, молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботларни қонуний ва ўз вақтида амалга ошириш зарур.

Президент И.Каримовнинг 2014йил 8 ноябрдаги «Ўзбекистонда озиқ – овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: Қишлоқ хўжалиги ерлари янгитдан ташкил этилган хусусий фермер хўжаликларига ижара асосида ер участкалари ажратиш орқали, давлат томонидан зарур имтиёз ва преференсиялар яратиш йўли билан берилди. Хусусан, фермерлар соддалаштирилган солиқ солиш тизимидан фойдаланмоқда – улар фақат битта солиқ, яъни ягона ер солиғини тўлашмоқда. Фермерлар учун ажратиладиган кредитлар ставкаси 5 фоиздан ошмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 16 январдаги мажлисидаги «Президентимиз И.Каримов 2015йил якунлари ва 2016 йилга белгиланган устивор йўналишларга бағишланган «Бош мақсадимиз-мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир» мавзусидаги маърузасида қайд этилган устувор вазифалар, 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари белгиланди.

Бунда жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

карорида белгиланган ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева - сабзовот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимини шакллантириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган бўлиб, ушбу вазифаларни амалга оширишда экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, органик қишлоқ хўжалиги-яъни атроф муҳитга зарар келтирадиган воситалардан фойдаланмасдан биологик хилма-хилликни асрайдиган экологик циклларга асосланиш ва маҳаллий шароитларга эътибор қаратиш бўйича қабул қилинган, тупроқ унумдорлигини оширадиган, инсон саломатлигини муҳофаза қиладиган ишлаб чиқариш тизими ёки соф табиий маҳсулот етиштириш каби муаммоларни ижобий ҳал этиш муҳим ҳисобланади.

Президентимиз И.Каримов «Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистонда шаклланган кўп асрлик анъанавий сабзовотчилик ва боғдорчилик маданияти азалдан маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кўзда тутадиган биологик деҳқончилик принципларига асосланади. Бунинг учун республикада барча табиий ва иқтисодий шароитлар яратилган, фақат ҳозирги органик қишлоқ хўжалик фаолиятини тартибга солиш бўйича Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мамлакатимизда халқаро андозаларга мувофиқ органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича мавжуд тўсиқларни ечиш мақсадида БМТ нинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) билан ҳамкорликда эътиборга молик ишларни оширмоқда.

Ўзбекистоннинг кўплаб минтақалари қисқа муддатда жаҳон бозорида харидоргир бўлган мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирадиган ва экспорт қиладиган ҳудудларга айланди. Юртимизда юқори ҳосил берадиган интенсив боғлар ташкил қилинди, томчилатиб суғориш тизими жорий этилди.

Фақатгина ўтган йили узумчиликни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурда тоқзорларни кўпайтириш кўзда тутилган.

Экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020-йилда бошоқли дон етиштиришни 16,4 фоизга ошириб, унинг ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоиз, гўшт етиштиришни 26,2 фоизга, сутни 47,3 фоиз, тухумни – 74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5-мартага ошириш кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатлари халқаро андозаларга мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларининг келиб чиқишини кафолатловчи стандартларга юқори даражада эътибор қаратмоқда.

Шунинг учун халқаро стандартларга мувофиқ органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжаликларида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

-мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини сархил ва қуритилган ҳолда қадоқлаш, Европа мамлакатларига экспорт қилувчи корхоналарга етказиб беришни ташкил этиш.

-фермер хўжаликлари ва аҳоли қармоғида етиштирилган органик сутларни қабул қилиб, улардан сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва органик истеъмолчиларга етказиб берувчи корхоналарни ташкил этишда фаол қатнашиш каби вазифаларни амалга ошириш зарур.

Шунингдек ҳозирги моддий ва молиявий ресурслар чекланган шароитда аҳолини бандилигини таъминлаш ҳамда мавжуд меҳнат молиявий ва табиий ресурслардан тадбиркорлик асосида самарали фойдаланишни белгилайди. Юқорида қайд этилган Президентимиз томонидан белгиланган устивор йўналишлар ва қарорлар асосида «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги фаолиятини диверсификация қилиш орқали ишлаб чиқариш фаолиятини самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Аграр соҳа корхоналарини диверсификация қилиш бўйича қуйидаги турлари тавсия этилади:

-Ананавий диверсификация – бу усулда ишлаб чиқариш сақланган ҳолда маҳсулот ассортименти кўпайтиришга қаратилган тадбирлар мажмуаси тушунилади.

-Ноананавий диверсификация – бу усулда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги бозорларни кашф қилиш каби тадбирлар мажмуаси тушунилади.

-Концентрациялашган диверсификация – бу усулда экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, экинларни парваришда кўпроқ маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш каби тадбирлар мажмуаси тушунилади.

-Горизантал диверсификация – бу усулда янги юқори рентабеллик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорвачилик озуқалари етиштириш каби тадбирлардир.

-Вертикал диверсификация – бу усулда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат негизида қайта ишлаш, уруғчилик жўжалигини ривожлантириш кабилардир.

-Конгломер диверсификация – бу усулда олдинги ишлаб чиқариш фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бошқа ишлаб чиқариш фаолиятига ўтиш, бунда турли тармоқлар билан бирлашмалар тузиш каби тадбирлар мажмуаси тушунилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Аграр соҳадаги ислохатларни чуқурлашуви қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда мулкчиликнинг турли шаклларида фойдаланган ҳолда тадбиркорлик асосида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг харажатларини пасайтириш, маҳаллий ва жаҳон бозорларни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш энг долзарб масалалари ҳисобланади.

Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги мисолида тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланиш йўллари ўрганиб, таҳлил этган ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифларга келдик:

1. «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалиги Андижон вилояти Шахрихон туманининг Сардор массивида ташкил этилганлиги, қулай табиий-иқтисодий шароитига эга эканлигини кўрсатди. Шунинг учун мавжуд моддий ва молиявий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш орқали рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали иқтисодий самарадорликни оширишга эришиш мумкин.

2. Фермер хўжалигининг фаолияти хусусий мулкчиликка асосланган бўлиб, пахта ва буғдой етиштиришда аъзоларнинг меҳнатга ҳамда мулкка бўлган муносабатларини ўзгариши, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириб борилишини таъминловчи биринчи галдаги омил эканлиги аниқланди.

3. Хўжаликда маҳсулотларни етиштиришдаги ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини пасайтиришда меҳаназация воситаларидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига қўл меҳнатини камайтиришга эришиш эвазига сифатли маҳсулот етиштириш мумкин.

4. Республикамизда ғалла уруғлигини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу имкониятларидан фермер хўжалигида оқилона фойдаланиш, серҳосил, эртапишар дон уруғларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

5. Хўжаликда барча меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан йил давомида тўғри, тўлиқ ҳамда тадбиркорлик асосида самарали фойдаланиш

орқали талабни қондирадиган миқдорда сифатли пахта ва дон маҳсулотлари етиштириш мумкин. Бунда хўжаликни ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, яъни янги ташкил этилган балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш орқали уларни иқтисодий самарадорлигини ошириш учун муайян чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

6. Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларни аграр соҳадаги тадбиркорлик субъектларида, шу жумладан «Обод Диёр Келажаги» фермер хўжалигида амалга ошириш орқали соҳа иқтисодиётини ривожлантиришнинг юқори суръатларинининг бардавомлигини таъминлаш чоралари кўриш зарур.

Юқорида қайд этилган хулоса ва таклифлар фермер хўжалигига жорий этилса, тадбиркорлик омилларидан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1.Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999.
- 3.Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон.
- 5.Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли фармони «Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». Халқ сўзи. 2003 йил 25 март
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.Тошкент-2008й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478 фармони.Тошкент-2012й.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори.Тошкент-2003 йил 4 сентябр 383-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи кишлоқ хужалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Тошкент ш., 2012 йил 11 апрель, 106-сон.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги «Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. Тошкент ш., 2013 йил 31 январь, 22-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори «Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Тошкент ш., 2013 йил 21 июнь, 176-сон

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлигининг қарори «Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Тошкент ш., 2013 йил 26 сентябрь, 49-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 17.01.2016.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т., Ўзбекистон. 1995 йил

2. И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.: Ўзбекистон. 1995 йил

3. И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т., Ўзбекистон, 1998.

4. И.А.Каримов. Барқарор тараққиётга эриш устивор вазифа. Т Ўзбекистон 1998.

5. И.А.Каримов «Дехқончилик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи» Т.:

Ўзбекистон. 1998 йил

6. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2009 йил.

7. И.А.Каримов «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» Ўзбекистон нашриёти Тошкент 2015 йил.

4. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом». Тошкент-“Адолат”-1999й.

2. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. (1-2 қисм). Тошкент 1998 йил.

5. Асосий адабиётлар

1. О.Зокиров, А.Абдуллаев, Ш.Зокиров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Андижон, 2002.

2 .А.Исмоилов, О.Муртазаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002.

3. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил. й.

4. О'Р.Umrzaqov va b. Fermer xo'jaligi iqtisodiyoti. – Т.:”Iqtisod-moliya” 2007.

5. А.А.Абдуғаниев, А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Тошкент, 2010.

6.Қўшимча адабиётлар

1. М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев. Менежмент. – Т.: «Молия», 2003.

2. Б.Салимов ва б. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004

3. Р.Ҳакимов ва б. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004

4. О.Олимжонов ва б. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т. «Университет», 2005.

7.Даврий нашрлар,статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

1. Шахрихон туманидаги «Обод Диёр Келажаг» фермер хўжалигининг 2013-2015 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.

8.Интернет манбалари

1. www.msu.ru. – Москва Давлат Университети.Иқтисодиёт факультети.
2. www.rsute.ru. - Г. Плеханов номидаги Москва иқтисодиёт академияси.
3. www.tsue.uz.- Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
4. www.timacad.ru.-К.А.Тимирязев номидаги Москва давлат қишлоқ хўжалиги академияси, иқтисодиёт факултети.
5. www.pravo.uz. Ўзбекистон республикаси қонунчилик базаси.
- 6.www.ziynet.uz – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.
- 7.www.lex.uz -Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар миллий базаси.